



ИШОНЧ

7

1993 йил
13—19
февраль
(100)

Ўзбекистон қасаба уюшмалари Федерациясининг ҳафталик газетаси

Хабарлар мағзи



● **ЎЗБЕКИСТОН** Республикаси Президенти Ислоҳ Каримов Франциянинг «Сосьете насьональ эльф акитен» давлат компанияси Президенти Лоик Ле Флок Прижан раҳбарлигидаги делегацияни қабул қилди. Мулоқот чоғида Франция Республикасининг Ўзбекистондаги Фавкулотда ва мухтор элчиси Жан Поль Везиан ҳозир бўлди.

● **ЎҚУВЧИЛАРНИНГ** истеъдоларини намоён этиш ва ижодий қадриятларини ривожлантиришга, уларда мустақил Ўзбекистон фуқаросининг юксак маънавий фазилатларини шакллантиришга муҳим аҳамият бериб Ўзбекистон Республикаси Президенти «Ўзбекистоннинг ўқувчи ёшларини рағбатлантириш чоралари тўғрисида» қарор қабул қилди.

● **ЎЗБЕКИСТОН** Республикаси Вазирлар маҳкамаси «Ўзбекистон Республикаси олий ўқув юртлари учун талабаларни тест усулида саралаш тўғрисида» қарор қабул қилди.

● **ЎЗБЕКИСТОН** Республикаси Президентининг Фармонида кўра, «Тошкентбошқурилиш» («Главташкентстрой») тугатилиб, Тошкент давлат акционерлик қурилиш корпорацияси («Тошкентқурилиш») ташкил этилди.

● **ТОШКЕНТДА** мева-сабзавот ва қайта ишланган маҳсулотлар сотиш бўйича анъанавий ҳалқаро ярмарка очилди. Ярмарка 17 февралгача давом этади.

● **ТОЖИКИСТОН** халқларига инсонпарварлик ёрдами кўрсатиш Ўзбекистон жамғармасининг ташаббуси билан Республика Қизил Ярим ой жамияти орқали биродарқушлик урушидан жабр кўрганларга махсус самолётда хайрия юклари жўнатилди.

● **ТОШКЕНТ** шаҳрининг Шайхантахур районида яшовчи 111 ёшли Нурпошо она Хўжаева Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислоҳ Каримовга мактуб йўллаб, ўз дил сўзларини баён қилганлар, Президентимиз олиб бораётган ишларига, сазй-ҳаракатларига Оллоҳ ҳамиша ёр бўлишини тилаганлар.

● **ЎЗБЕКИСТОН** Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат назорати кўмитаси ҳайъатининг навбатдаги мажлисида республика Меҳнат вазирлиги ва унинг жойлардаги органларида Ўзбекистон Республикаси «Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисида»ги қонунининг бажарилишини текшириш натижалари муҳокама қилинди.

● **ШУ ЙИЛ** 10 февраль куни Афғонистон ислом давлатига қаршли «АН-12» самолёти Термиз аэропортига яқинлашаётган пайтда фалокатга учради. Самолёт ичида 8 кишидан иборат экипаж ва 119 йўловчи (ҳаммалари Афғонистон фуқаролари) бор эди. Ҳеч ким ҳалок бўлмади.



«Қизил тонг» тикувчилик ишлаб чиқариш бирлашмасида асосан эркаклар ва аёллар пальтоси, болалар учун устки кийимлар ишлаб чиқарилади. Маҳсулотнинг бежирим бўлишида тикувчи аёлларнинг хизмати

катта бўлаётир.

Суратда: меҳнатига яраша иззат топаётган чевар тикувчи Мастура Норматова. У ўз ишидан мамнун. Алимурод МАМАДАМИНОВ олган сурат.

ЖАМОА ШАРТНОМАЛАРИ — ИЖТИМОЙ ҲИМОЯ ГАРОВИ

Утган йили қасаба уюшма ташкилотлари Хоразм вилояти меҳнатқашларини ижтимоий ҳимоялаш учун ранг-баранг тадбирлардан фойдаландилар. Айниқса, иш билан таъминловчи ташкилот, корхона, хўжалик, муассасалар билан тузилган жамоа шартномалари яхши самара берапти. Жамоа шартномаларида меҳнатқашларни ижтимоий ҳимоя қилиш бўйича бажариладиган ишлар, уларга ажратиладиган маблағлар аниқ кўрсатиляпти. Нарх-наво кескин ортаётган ҳозирги даврда бу ишчи-хизматчиларга, деҳқонларга яхши-

гина кўмак бўляпти. 1992 йилда жамоа шартномаларида режаланган ишларни бажаришга 117,2 миллион сўм сарфланганлиги фикримиз далилдир.

Вилоят қасаба уюшма ташкилотлари айни кунларда меҳнатқашларнинг умумий йиғилишларида ўтган йилги жамоа шартномаларининг бажарилиши якунларини кўриб чиқмоқдалар, амалдаги йил учун уни янгидан тузиш ҳаракатини қияптилар.

— Жамоа шартномаларининг пинтик-пухталиги уларда илгари сурланган вазифаларнинг ҳаётий зарурлиги

ва долзарблигига боғлиқ, — дейди вилоят қасаба уюшмалари кенгаши бўлими мудри Ф. Назаров. — Шу боис биз жамоа шартномаларини тузиш юзасидан бошланғич қасаба уюшма ташкилотлари раҳбарлари учун семинар-кенгашлар ўтказдик. Бу йилги жамоа шартномаларида меҳнатқашларни ижтимоий ҳимоялаш тадбирлари мундарижасини янада кенгайтираимиз. Ҳозирги иқтисодий кийинчиликлар шунга мажбур қилмоқда.

Шихназар АҲМЕДОВ,
«Ишонч» мухбири.

ЯҚИН МАСЛАҲАТГУЙ

«Ишонч» менинг энг севимли газетам. Унинг ҳар бир сонини сабрсизлик билан кутаман. Чунки, мени қизиқтирган, ҳаяжонга солган кўплаб саволларга ундан жавоб топаман. «Ишонч» саҳифаларида меҳр-оқибат, инсонийлик, қадр-қиммат, оила ҳақидаги материаллар, аёлларга турли маслаҳатлар янада кўпроқ ёритилишини истайман. Газетхон сифатида унинг 100-сон чикшиши билан табрик-лаб, бундан буён ҳам «Ишонч» меҳнатқашларнинг оғирини енгил қилишида руҳан кўмакдош бўладиган адолатли ҳамсуҳбат бўлиб қолишига ишонаман.

Гулнора МИРЗАЕВА,

Тошкент «Малика» трикотаж ишлаб чиқариш бирлашмаси қасаба уюшмаси кўмитаси раиси.

Ўзбекистон қасаба уюшмалари Федерацияси «Ишонч» газетасининг 100-сон қутлуг бўлсин! Газета қисқа вақт ичида ўз мухлисларини топди. Йўли янада равон бўлсин. Аввало газетхонларга, қолаверса уни чиқаришдек сермашаққат ишни адо этиб келаяётган муҳарририят ходимларига омад, соғлиқ ёр бўлаверсин. «Ишонч»нинг мингинчи, ўн мингинчи сонлари ҳам чиқишига ишонамиз.

Лутфулла КАБИРОВ,


Ўзбекистон республикаси журналистлар уюшмаси бошқарув раиси.

ҲУРМАТЛИ ГАЗЕТХОН!

«ИШОНЧ» газетасининг 1993 йил дастлабки сонларини ўқиб чиққанингиздан сўнг Сизда унга обуна бўлиш хоҳиши пайдо бўлган бўлса, шошилинг! 10 мартгача обунани расмийлаштирсангиз апрель ойидан бошлаб «Ишонч»ни ола бошлайсиз. Борди-ю шу муддатни бой берсангиз, унда газета олишингиз яна бир ойга кечикади.

Нарх-навонинг бетиним ўсиб бориши туфайли обуна нархини ўзгартиришга мажбур бўлдик. Илгари ёзилганлар эса ўтган галдагидек, йил охиригача ўз газеталарини олаверадилар. «Ишонч» бу йил ҳам ваъдасига вафо қилади. Энди «Ишонч»нинг бир ойлик яқка тартибдаги обуна нархи 44 Сўм, уч ойлиги 132, олти ойлиги эса 264 ва ниҳоят йил охиригача бўлган обуна баҳоси 396 сўм қилиб белгиланди. (Нашр кўрсаткичи 64560).

Худди шу тариқа корхона ва муассасалар обунаси ҳам бир ойга 87 сўм, уч ойга 261, олти ойга 522 ва ниҳоят 9 ойга 783 сўм қилиб белгиланди. (Нашр кўрсаткичи — 64561). «ИШОНЧ»ГА ЕЗИЛИШНИ УНУТМАНГ.



Ҳозирги мураккаб шароитда талаба ва ўқувчи ёшларнинг ижтимоий, ҳуқуқий манфаатларини ҳимоя қилиш энг муҳим масалалардан биридир. Бизнинг тармоқ касабаси уюшмасида 14 ўқув юрти фаолият кўрсатаётир. Бухоро Давлат муаллимлар олийгоҳи, озиқ-овқат ва энгил саноат технологияси институти, Тошкент Давлат Техника институтининг Бухоро филиали, 4 та ўрта-махсус билим юрти, 7 та ҳунар-техника билим юртлари шулар жумласидандир. Уларда 14 мингга яқин касабаси уюшмаси аъзоси бор.

Талабалар ҳаёти, уларнинг турмуш шароитига доир масалалар доимо диққат марказимизда турибди. Шу мак-

таркибда қайта сайланди. Аммо бу иш ўзини оқлай олмади. Вилоят кўмитасида талабалар билан олиб борилган ишларда қониқиб хосил қилинмаганлиги ва изланишлар натижасида талабалар шаҳар касабаси уюшмаси кўмитасини тузиш гоёси пайдо бўлди. Бу гоё тармоғимиздаги барча ўқув юртлари раҳбариятлари, касабаси уюшмалари фаоллари, вилоят кўмитаси раёсати аъзолари, касабаси уюшмалари вилоят Кенгаши раёсати томонидан кизгин қўллаб-қувватланди.

Юридик ҳуқуқларга эга бўлган шаҳар кўмитасининг тузилиши ижтимоий ҳуқуқларни ҳимоя қилиш бўйича олиб борилган ишларни самарали ташкил этишга имконият яратишига ишониб турибмиз.

Талаба ва ўқувчилар касабаси уюш-

ШАҲАР КЎМИТАСИ ИШ БОШЛАДИ

сизда талабалар касабаси уюшмаси фаоллари билан шаҳар ташкилотлари раҳбарларининг учрашувлари ўтказиб турилибди. Талабалар учун санаторий-профилакторийларга бепул йўлланмалар ажратишга эришилмоқда. Уларга парҳез овқатланиш учун бериладиган бепул йўлланмалар 50 фоизгача оширилди. Олий ўқув юртларининг ётоқхонаси қошида савдо шаҳобчалари очилди. Талабаларга бир йўла бериладиган ёрдам пули учун 100 минг сўм маблағ ажратилди.

Талаба ва ўқувчилар учун белгиланган касабаси уюшмаси вилоят кўмитасининг 14 та стипендиясини ўқишда, жамоат ишида ютуқларни қўлга киритган ёшлар олишаётир.

Бундан тўрт йил илгари касабаси уюшмаси вилоят кўмитаси қошида ўқув юртлари касабаси уюшмаси кўмиталари раисларининг кенгашларини тузган эдик. 1991 йилда кенгаш янги

маси Бухоро шаҳар кўмитасини тузиш бўйича таъсис конференциясида бошланғич ташкилотлар касабаси уюшмаси мажлисларида сайланган 120 нафар делегат иштирок этди. Конференция ишида вилоят кўмитаси раиси Е. Б. Гольдман ва ўқув юртлари раҳбарият вакиллари иштирок этдилар.

Шаҳар талаба ва ўқувчилар касабаси уюшмаси кўмитаси раислиги лавозимига шаҳар конференциясини тайёрлаш ва ўтказиш бўйича вилоят кўмитаси қошида тузилган ташкилий кўмита номидан Бухоро районидаги Беруний номли мактаб директорининг ўринбосари Бахшилло Умаровнинг номзоди кўрсатилди. У яқдиллик билан сайланди.

Офтобхон АЗИМОВА,
Халқ таълими ва фан ходимлари
касабаси уюшмаси Бухоро вилояти
кўмитаси раисининг ўринбосари.



Хорманг Назирахон! Қўлларингиз толмасин!

Суратда: Тошкентдаги «Малика» трикотаж ишлаб чиқариш бирлашмасининг илғор ишчиларидан бири Назира Қосимова.

Сураткаш: Жўра БОБОРАҲМАТ.

ТАДБИРЛАР БЕЛГИЛАНДИ

● **КОРАКАЛПОГИСТОН** Республикаси агросаноат мажмуи ходимлари касабаси уюшмалари кўмитаси Раёсатининг галдаги сайёр мажлиси бўлиб ўтди. Унда бозор иқтисодиётига ўтиш даврида меҳнаткашларни соғломлаштириш юзасидан республиканинги жанубий зонасидаги районларда жойлашган санаторий-профилакторийларда олиб борилган ишлар атрофлича муҳокама қилинди, тадбирлар белгилаб олинди.

Беруний пахта тозалаш заводи қошидаги санаторий-профилакторийда тартиб-интизом бўшатириб юборилганлиги, даволанувчиларга етарли шароитлар яратиб берилмаганлиги таъкидланди.

Раёсат мажлисининг қарорига биноан мазкур санаторий-профилакторий бош шифокори Йўлдош Райимбоев ишда йўл қўйган нуксонлари учун вазифасидан четлатилди.

СИФАТЛИ ИЧИМЛИК СУВИ МҮЛ БҮЛАДИ

● **ОРОЛБЎЙИ** экологик

офат зонасидаги Тахтақўпир райони маркази аҳолисини сифатли сув билан таъминлаш масаласини ҳал этиш мақсадида бу ерда қудратли қурилмани монтаж қилишга киришилди. Ҳар соатда 100 кубометр сувни чуқуқлаштириб берадиган ускуна инсонийлик ёрдами дастурига биноан Германия республикасининг «Рас Прейсаг» фирмаси томонидан ўрнатилди. Ўтган йил охирида Қорақалпоғистон Қизил Ярим ой жамияти билан Германиянинг худди шу номдаги жамияти орасида тузилган шартномага асосан шўр сув-

ни чуқуқлаштириб берадиган қурилмани келтириш, фойдаланишга топшириш мақсадлари учун Германиялик дўстлар 4,5 миллион марка маблағ ажратган эди. Баҳор фаслининг дастлабки кунларидан эътиборан Тахтақўпир районида ҳам сифатли ичимлик суви кўп бўлади.

ЧЕРНОБИЛЬ ЖАБРДИЙДАЛАРИ УЧУН ЖАМҒАРМА

● **НУКУСДА** «Қорақалпоғистонлик чернобилчилар» ассоциацияси ташкил этилди.

Янги жамғарма тузилди. Унинг мақсади Чернобил фожияси оқибатларини тугатишда иштирок қилган жабрдийдаларга бозор иқтисодиётига ўтишнинг ҳозирги кийин пайтида моддий ёрдам бериш, уй-жой шароитларини яхшилаш каби ғамхўрликлар кўрсатишдан иборатдир.

Тез фурсатдаёқ корхона ва ташкилотлардан, айрим шахслардан «Қорақалпоғистонлик чернобилчилар» жамғармасига дастлабки маблағлар келиб туша бошлади.

Абдурахмон ИСКАНДАРОВ,
«Ишонч» мухбири.

ЖАМОА ШАРТНОМАЛАРИНИНГ ХОСИЯТИ

Касабаси уюшмаларининг ўзларига хос бўлмаган вазифаларни бажаришдан воз кечиши, давлат, ҳўжалик ва бошқарув органларига, сиёсий партияларга қарамликдан қўтилиб мустақилликка эришуви, касабаси уюшмалари бўғинлари тизимининг такомиллашуви касабаси уюшмалари ички демократиясининг ривожланишига олиб келди. Бу билан меҳнаткашлар манфаатини ҳимоя қилишни кучайтириш учун қўлай шароитлар яратилди.

Ўзбекистон қурилиш, нефть ва газ саноати соҳалари ходимлари касабаси уюшмаси Марказий Кўмитасида бу соҳада муайян иш тажрибаси орттирилган. Дастлабки босқичда бу нарса ҳўжалик ва ташкилотларга таклиф ва мулоҳазаларимизни тақдим этишда ўз ифодасини топди. Иккинчи босқичда касабаси уюшмалари фаолларининг касабаси уюшмалари Марказий Кўмитаси ходимлари билан учрашуви ўтказилиб, бу учрашувга касабаси уюшмалари вилоят кенгашларининг раҳбарлари ҳам таклиф этилди.

Яқинда «Муборакгаз» кон бошқармасида бўлган тармоқ касабаси уюшмалари ходимларининг меҳнаткашлар иқтисодий, ижтимоий ва ҳуқуқий манфаатларини ҳимоя қилишга бағишланган семинар-кейгашида Қашқадарё, Бухоро, Навоий, Сурхондарё, Самарқанд, Хоразм вилоятлари ва Қорақалпоғистон Республикаси касабаси уюшмалари кўмиталари, бирлашган кўмиталари, маҳаллий кўмиталарининг раислари ва раис ўринбосарлари, шунингдек, маъмуриятларининг жамоа шартномаларини тузиш бўйича масъул вакиллари катнашдилар.

Семинарда «Меҳнаткашларни ижтимоий жиҳатдан ҳимоясини таъминлашда жамоа шартномасининг асосий йўналишлари», «Ўзбекистон Республикасида иш ҳақи ислохотининг концепцияси тўғрисида», ҳамда «Ўзбекистон Республикаси ҳукуматининг қонун чиқариш сиёсати тўғрисида»ги масалалар кўриб чиқилди.

Семинарда тажриба алмашишга катта эътибор берилди... «Муборакгаз» кон бошқармасида меҳнаткашлар манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича олиб борилган ишлар яхши йўлга қўйилган. Иқтисодий вазиятга қараб бошқармада жамоа шартномасига тегишли ўзгаришлар киритиб турилади. Бу ерда истеъмол фонди ўтган йили ундан илгариги йилдагига нисбатан 10 баравардан зиёд ошди. Истеъмол фондининг 89,6 фоизи иш ҳақи ҳисобидан тўланди, қолган қисми мукофотлар тарзида берилди.

Бошқарма маъмурияти ва касабаси уюшмаси кўмитаси ходимларининг муқим ишларини турмуш шароитларини яхшилаш учун муҳтож кишиларга, фахрийларга, бу ерда илгари ишлаган ногиронлар ва нафақахўрларга доимий равишда ижтимоий ёрдам кўрсатиб турибди.

1992 йилда 24 ходимга хусусий уй қуриш учун 500 минг сўм, 27 ходимга рўзғор ашёларини сотиб олиш учун 405 минг сўм имтиёзли қарз берилди. 52 ходим санаторийларга йўлланмалар олишди, 147 ходим ва уларнинг оила аъзолари бошқарма профилакторийсида, 228 киши Оренбургдаги шифобахш масканда, 12 киши Ўзбекистон соғлиқни сақлаш вазирлигига қарашли гигиена ва касб касалликлари илмгоҳида даволанди.

Соғломлаштириш мавсумида бошқарма ходимларининг 609 фарзанди «Еш газчи» лагериди, кўпгина болалар Қора денгиз соҳилидаги лагерларда дам олдилар.

Қонлардаги ишчи ошхоналарида иссиқ овқат ҳақи бошқарманинги ўз маблағи ҳисобидан тўланмоқда.

Бошқарманинги барча ходимлари кор-

хоналар ҳисобидан уч йил муддатга суғурта қилинганлар. Суғурта миқдори иш стажига қараб белгиланган. Барча ходимлар уй-жой билан таъминланди. Эндиликда хоҳлаган кишига дала ховли қуриши учун ер участкалари ажратиб берилмоқда. Ҳозир 220 киши ана шундай дала ховлига эга бўлди.

Еш болали аёлларга фарзандлари учун зарур ашёлар сотиб олишга 690 минг сўмдан зиёд компенсация тўланди. Тўрт ва ундан ортик фарзанди бўлган оилалар болалар боғчаси ва ясли ҳақи тўлашдан озод қилинганлар. Уч ёшгача бола тарбиялаётган аёлларга энг кам иш ҳақи миқдоридан нафақа берилмоқда.

Меҳнат фахрийлари нафақага чиқаётганларида, агар улар газ саноати тизимида камида 10 йил ва бошқармада камида уч йил ишлаган бўлсалар, бошқармада ишлаган ҳар бир уч йили учун 1000 сўмдан ёрдам пули олмақдалар.

Меҳнат таътилига чиқаётган ҳар бир ходимга маошининг 100 фоизи миқдоридида моддий ёрдам берилди.

Ўтган йил бошида Москвадаги АЗЛК заводи билан тузилган шартнома асосида 100 дон «Москвич» автомобили олиниб, бошқарма ходимларига сотилди, шартнома асосида кетирилган музлатгич ва рангли телевизорлар ярим нархда сотилди. Ходимларга кишлоқ ҳўжалик маҳсулотларини имтиёзли нархда сотиб олишда ёрдам кўрсатилди.

Бу имтиёزلардан бошқарма ходимлари ўтган йил бошида тузилган жамоа шартномасига биноан фойдаландилар. 1993 йилги жамоа шартномасида эса уларга бундан ҳам кўпроқ имтиёзлар берилди.

Меҳнаткашларнинг иқтисодий, ижтимоий ва ҳуқуқий манфаатларини ҳимоя қилишга онд барча муаммоларни маъмурият билан касабаси уюшма кўмитаси бир ёқадан бош чиқариб ҳал этишга ҳаракат қилмоқда...

Семинар-кейгашида ана шулар ҳақида батафсил гапирилди.

Семинар-кейгаш ишида Қашқадарё вилояти касабаси уюшмалари кенгашининг раиси Э. Р. Ражабов ва тармоқ касабаси уюшмалари Марказий Кўмитаси раисининг ўринбосари О. И. Гоцурляк иштирок этишди.

● **ФАРҒОНА** шаҳрида ҳам ўтказилган ана шундай семинарда Наманган, Андижон, Жиззах ва Фарғона вилоятларидаги касабаси уюшмалари кўмиталарининг раислари ва маъмурият вакиллари таклиф қилинди. Унда «Андижон нефть» газ казиб олиш бошқармаси, «Ташкентгаз» ишлаб чиқариш бошқармаси, «Наманган виллоятгаз» бошқармаси касабаси уюшмалари раислари Т. И. Тўйчиев, Х. А. Дадаев, Х. Исоков ўз иш тажрибаларини ўртоқлашдилар.

А. ЖОНБӨЕВА,
Ўзбекистон қурилиш, нефть ва газ соҳалари саноати ходимлари касабаси уюшмаси Марказий Кўмитаси меҳнаткашларни ҳимоялаш бўлимининг мудири.



ЙИЛЛАР САБОҒИ

Утган йили Сирдарё вилоятида иккита район пахта тайёрлаш йиллик режасини бажарди. Шуларнинг бири Сайхунобод райони-дир. Район ҳокими Бозорбой Дауленов 1992 йил сарҳисоби ҳақида фикр юритади.

— Бозорбой Дауленович, 1992 йил пахтакорлар учун жуда оғир келди. Шунга қарамай Сайхунобод райони режани 102 фоиз қилиб бажарди. Бунга қандай қилиб эришилди? Аслида Сайхунобод шароити, масалан, Сирдарё ёки Боёвут райони шароитидан яхши эмас-ку?

— Тўғри пайкабсиз. Бизнинг Шўрўзак зонамининг шароити анча ёмон. Масалан, «Социализм» давлат хўжалигини олайлик. Ерлари қаттиқ шўрланган. «Шўрўзак», «Ўзбекистон ССР 50 йиллиги» давлат хўжаликларини ҳам шундай ерларга жойлашган. Мазкур хўжаликларда ҳосилдорликни ошириш мўъжиза яратиш билан барабар. Шундай бўлса ҳам, бу шўрхок ерларда фақат «Социализм» режани бажаролмади. Унга қўшни бўлган «Гулистон» давлат хўжалигида эса катта муваффақиятга эришилди. Бу хўжалик режадаги 8221 ўрнига 8354 тонна пахта тайёрлади.

Айниқса, «Ғалаба» жамоа хўжалиги деҳқонлари катта зафарларни қўлга киритдилар. Бу хўжалик давлатга 3000 тоннадан ортиқ пахта сотиб, режани 126 фоиз бажарди. Холбуки, хўжаликнинг ер шароити анча оғир. Максим Горький номи жамоа хўжалигида ҳам йил яхши яқунланди. Деҳқонлар режадаги 2800 ўрнига 3208 тонна пахта тайёрладилар. Қисқаси, райондаги олти жамоа хўжалигининг ҳаммаси, тўртта давлат хўжалигининг учтаси йиллик режани бажарди.

Биз эришган муваффақиятнинг бошқаларга маълум бўлмаган сири йўқ. Биздаги деҳқонлар ҳам эл катори, аниқроқ қилиб айтсам, масалан, Сирдарё, Боёвут, Оқолтин сингари районлар меҳнатқашлари катори ишлашди. Менинг назаримда, биз бир нарсадан ютдик. Бу интизом ва уюшқоқликдан иборат. Яна шунини ҳам айтиш керак, деҳқончилик халқимиздаги катор тадбирлар бизнинг районимизда пухтароқ, сифатлироқ ўтказилди.

Юкорида интизом ва уюшқоқликни зафарларимизнинг асосий омили дедим. Ташкилотчиликни ҳам шу омилнинг таркибий қисми деб ҳисоблайман. Районда одамлар билан ишлашга, уларнинг уй ва меҳнат шароитини яхшилашга, рағбатлантиришга катта эътибор берилди. Ҳаммасидан ҳам кекса, тажрибадор деҳқонлар билан бамаънафит ишлаганимиз, тажриба билан фан ютуқларини бирга қўшиб меҳнат қилганимиз яхши самара берди. Оқибатда район давлатга режадаги 41220 ўрнига 41903 тонна пахта сотиб, вилоятимиз «оқ олтин» хирмониға ката ҳисса қўшди.

— Пахта тайёрлаш режасининг бажарилиши кишлоқ меҳнатқашлари турмушига қай тарзда таъсир кўрсатади?

— Дастлабки ҳисоб-китобларга қўра район пахтадан бир миллиард 200 миллион сўм даромад олди. Агар режадаги 15 фоиз ва режадан ортиқча 2 фоиз пахта келишилган нархларда сотилса, шунинг ўзи районга катта миқдорда даромад олиб келади. Юкорида «Ғалаба» жамоа хўжалигини айтиб ўтган эдим. Бу хўжаликнинг ўз ихтиёрига 41 фоиз пахта қолади. Агар бу пахтани пулга чақсақ, хўжалик миллион-миллион сўм қўшимча маблағнинг эгаси бўлади. Ҳали кимга ва қаерга, қанақа баҳода сотилиши аниқ бўлмагани учун аниқ рақамларни айтиш қийин. Бирок энг арзон баҳода сотилди, деб фараз қилганимизда ҳам, деҳқонлар йил якунида пул остида қоладилар. Буни иқтисодчи бўлмаган киши ҳам тушунади.

Табиики, қўшимча даромад асосан меҳнатқашларни ижтимоий ҳимоялаш-

га, уй-жойлар, маданий-маиший бинолар қуришга, йўллар, кўприкларни созлашга, кичик корхоналар очишга сарфланади. Турмуш анча қийинлашиб, нарх-наво беҳад кўтарилиб кетишига қарамай тўй қилаётган, уй қураётган оилалар кўп. Қўшимча даромад ана шундай оилаларнинг камқўстни тўлдиришга ҳам хизмат қилади. Гапнинг қисқаси, яхши ишлаб, режанинг бажарилишига каттароқ ҳисса қўшган ҳар бир кишлоқ меҳнатқаш чўнтағига 1992 йил даромадидан мўмай сармоя тушади.

Хонадонларни газлаштиришни давом эттириш, сув қувурлари ётқизиш сингари ишлар ҳам пул ва қурилиш материалларини талаб қилади. Утган йилги иш натижалари бу соҳаларни ҳам анча кучайтириш имконини беради. Эски мактаблар ва боғчалар бинолари янгиланади, ободончилик ишлари жадалроқ олиб борилади.

— Бу йил деҳқонлар олдида қандай долзарб вазифалар турибди? Янги режалар нималардан иборат?


— Асосий вазифаларимиз ҳар йилги бажариб келаётган ишлардан иборат. Бу ишларнинг ҳаммаси деҳқончилик маданиятини юксалтириб, ҳосилдорликни оширишга қаратилган. Маълумки, деҳқон ерни тўйдирмаса, ер ўз тилсимини очмайди. Амалда кўриб турибмиз, бир хил шароитда иккита хўжалик ёки бригада бир-бирдан кескин фарқ қиладиган натижаларга эришапти. Биттаси ҳар гектар ердан 30 ёки 40 центнер ҳосил олса, бошқаси 20—25 центнердан нарига ўтолмаяпти. Албатта, бунинг қатор сабаблари бор. Энг муҳими деҳқоннинг ерни алдаётгани деб тушунаман. Ана шундай алданишга йўл қўймайлик учун, аввало, кузги-киши ишларни ўз вақтида ва сифатли ўтказяпмиз. Ерлар ўғитланипти, шўри ювиляпти. Арик-зовурларни тозалашга алоҳида эътибор берилаяпти.

Баъзи бир одамлар район ҳокими арик-зовурларни тозалашдек майда ишни гапириб ўтириши шартми деб ўйласалар ажаб эмас. Мен бу иш майда-чуйда эмас, гоё зарур тадбир деб биламан. Тажрибали деҳқон яхши тушунади, биз кўпинча зовурларни тозаламасдан ерни захлатиб юборамиз. Ариқларни тозаламаган деҳқон эса умрбод бегона ўтдан қутулмай ортиқча меҳнат ва пул сарфлаб юради. Биз ана шу гапларни билмаганларга билдирияпмиз, тушуниб туриб дангасалик, масъулиятсизлик қилаётганлардан эса интизом ва уринчоқликни талаб қилаяпмиз. Бунга қўнмаган, хулоса чиқармаган кадрлар алмаштирилади. Ҳозирги ишларимиз учун ана шуларни асосий мезон қилиб олганмиз.

1993 йил ҳосилни 1992 йилгидан мўл ва сифатли қилиш учун ўн минг гектар ернинг шўри ювиляпти, ўн икки минг гектар ер экин олтидан суғорилади. Маҳаллий ва минерал ўғит жамғарилмоқда.

Ўтган йилларнинг бизга берган катта сабоғи бор. Бу сабоқ шундан иборатки, деҳқон аввалги йиллардагидек эл катори далага бориб келишни мақсад қилиб қўймапти. Энди у пухта ўйлаб, қандай ишласа, нималарга эриша олишини олтидан билиб меҳнат қилишни ўрганипти. Шу сабабли ҳар ким ўзига биркирилган ердан кўпроқ, яхшироқ ҳосил ва даромад олишга интиляпти. Бу деҳқончиликка янгича муносабатнинг натижасидир. Бу хайрли ўзгариш йиллар сабоғидир.

Сухбатдош: Саминжон СУЛТОНОВ.



Чанқовбосди ичимликларнинг бозори чаққон бўлаётганлиги Қиёрай салқин ичимликлар ишлаб чиқариш комбинати жамоаси олдида ҳам маҳсулот тайёрлашни кескин ошириш вазифасини қўйди. Бу айни вақтда ичимликлар турини кўпайтириш, сифатини яхшилаш йўли билан кўпроқ фойда олинишини таъминляпти.

Суратда: шишаларга салқин ичимликлар қуйиш пайти Даврон АХМАД олган сурат.

ИБРАТЛИ ИШЛАР

ЯНГИ йилни эзгу умидлар билан бошлаганимизга ҳам бир ойдан ошди.

Ўтган йили қатор муваффақиятлар билан бир қаторда ташвишларга ҳам дуч келдик. Бу — бозор иқтисодиётига ўттиш даври ташвишларидир. Иқтисодий тақчиллик кириб бормаган, ўзини кўрсатмаган соҳа қолмади. Кишлоқ хўжалиги меҳнатқашлари ҳам ҳали моддий қийинчиликлар қуршовидан чиқа олгани йўқ.

Шундай экан, кишлоқ хўжалигида меҳнат қилувчиларни ижтимоий ҳимоялаш, уларнинг унумли ишлари учун етарли шарт-шароитлар яратиш бериш, уларнинг руҳини кўтариш агросаноат мажмуи ходимлари касабаси уюшмаси-район кўмитасининг ҳам масъулиятли, муқаддас ва шарофли вазифаларидан биридир.

Биз ана шулардан келиб чиққан ҳолда меҳнат қилувчиларнинг ҳақ-ҳуқуқини ҳимоя қилиш борасида бир қатор ибратли ишларни амалга оширдик. Қариялар, ногиронлар ва кам даромадли оилалар ҳисобида турувчи 122 кишига республика «Меҳр-шафқат» фондидан ажратилган 28 минг сўм пулни тўғри тақсимлаб бердик.

Маълумки, бозор иқтисодиётига ўтиш даври қийинчиликларини ҳисобга олган ҳолда Республика Президентини томонидан аҳолини ижтимоий ҳимоялаш тўғрисида кўплаб Фармонлар чиқарилаётган. Ижтимоий таъминот бўлими ҳисобига тушадиган маблағларнинг кишлоқ хўжалигида ишловчиларга тўғри тақсимланишини жиддий назорат қилиб турибмиз.

Иқтисодий қийинчиликларга қарамасдан кишлоқ хўжалиги меҳнатқашларининг қулай пайтда санаторий-профилакторийларда бўлиб, кўнглини ҳордиқ чиқаришлари, соғлиқларини мустаҳкамлашлари учун йўлланмалар ажратиш ҳам ҳамиша эътиборимизда. Йил давомида 331 киши республикамизнинг хушхаво масканларида дам олиб қайтдилар. Ана шу санаторий-профилакторийларга касабаси уюшмаси томонидан 877,110 сўм маблағ сарфланди.

Шунингдек, касабаси уюшмалари томонидан республикамизнинг Фарғона, Хива, Андижон шаҳарларига бир неча марта кўнгилочар саёҳатлар уюштирилди.

Хўжаликларда пахта, ғалла, сабзавот чорвачилик маҳсулотлари етиштириш бўйича ташкил этилган мусобақалар ҳам ўз вақтида яқунлаб борилаётган. Айниқса, вилоят агросаноат уюшмаси ва агросаноат мажмуи ходимлари касабаси уюшмаси вилоят кўмитаси томонидан сут етиштириш бўйича «Октябрь» жамоа хўжалиги, дон тайёрлаш бўйича «Ўзбекистон» жамоа хўжалиги ғолиб деб топилди, 3000 сўмдан пул мукофоти ва Фахрий ёрликлар билан тақдирланганлиги фикримизнинг далилидир.

Айни пайтда хўжаликларда муҳим ва масъулиятли мавсум — чорва қилувчи давом этаяпти. Жойлардаги касабаси уюшмаларимиз бу масъулиятли даврнинг кўнгилағидек ўтишини учун алоҳида тадбирлар белгилаб олишган. Чорваларга яратиб берилган шарт-шароитлар, уларнинг ўз вақтида ойлик маошлар билан таъминланиши, мусобақаларнинг тўғри уюштирилиши, ғолибларнинг моддий ва маънавий рағбатлантирилиши эътибордан четда қолмаяпти. Бу борада Ф. Норбоева, А. Улуғбоев, И. Сайфуллаев, Х. Эрназаров, М. Абдуллаева, И. Мардонов ва Х. Раззоқовлар раислик қилаётган «Ўзбекистон», А. Навоий номидаги, «Октябрь», «Иттифок», Ш. Рашидов номидаги, Ислом шоир номидаги ва «Ҳақиқат» хўжаликлари касабаси уюшмаларининг фаолиятлари мактовга сазовордир.

Умуман, жорий йилда ҳам меҳнат қилувчиларнинг ҳақ-ҳуқуқларини дадил ҳимоя қилиш, уларнинг ижтимоий-иқтисодий аҳолидан доимо хабардор бўлиб, яқиндан қўмақлашиш уюшмасининг бош вазифаси бўлиб қолади.

Н. ШАРИПОВА,

Агросаноат мажмуи ходимлари касабаси уюшмалари Нарпай район кўмитасининг раиси.



ИРМОҚЛАР ҚЎШИЛИБ ДАРЁ БЎЛАДИ

Ташқи-иқтисодий «Нарпай» ассоциациясининг Нарпай районининг 65, Оқтош шаҳрининг 25, Ислоҳ шоир Назар ўғли таваллудининг 120, район «Пахтакор овози» газетаси илк сони чиққанлигининг 60 йиллик юбилейларини ўтказишда катта маблағ сарфлаб, жуда хайрли ишлар қилганлиги кўпчилигининг унга бўлган ишончини ва эътиқодини оширди.

Ана шулар билан бир қаторда ассоциация бугунги бозор иқтисодиётига ўтиш даври қийинчиликлари ҳар қадамда, ҳар бир соҳада сезилиб турган бир пайтда ёрдамга муҳтож кишиларни, оилаларни ижтимоий ҳимоялаш борасида ҳам ибратли ишлар олиб бораётганлиги диққатга сазовордир. Мухбиримиз шу ҳақда ассоциация бош директори Аҳмаджон Элмуродов билан суҳбатлашди:

— Ҳақиқатдан ҳам ассоциациямиз ташкил этилганига ҳали кўп вақт бўлмаган бўлсада, ўзининг қисқа фаолияти давомида бир қатор эзги ишларни амалга ошириб қўйди. Аслини олганда уни ташкил этишдан ҳам асосий мурдао ана шулардан иборат эди. Ассоциациямиз районимиз, шаҳримиз ва газетамиз юбилейларига, Ислоҳ шоир Назар ўғли таваллудининг 120 йиллигига ўзининг муносиб ҳиссасини қўйди. Юбилейларга 430 минг сўм маблағ сарфладик.

Бугунги бозор иқтисодиёти кўпчилигини анча қийнаб қўйди. Аксарият оилалар ва ёлғиз кишилар моддий жиҳатдан қийналиб қолишди. Биз шуларни эътиборга олиб, районимиз ҳудудидаги кам даромадли оилаларга ва ёлғиз кишиларга 500 минг сўм маблағ ажратдик. Бу маблағ уларнинг иқтисодий аҳволини яхшилаш ва ий-жойларини таъмирлаш учун ишлатилади.

Шу каби районимизда ўтказилган республика бахши-шоирларининг

кўрик-танловини ташкил этишда ҳам ассоциациямизнинг хизмати катта бўлди. Кўрик-танлов ғолиблари учун қимматбаҳо мукофотлар ассоциациямиз ҳисобидан берилди.

Умуман биз ассоциациямиз ҳазинасига тушган маблағ ҳисобидан ёрдамга муҳтож кишиларни ижтимоий ҳимоялашни бундан буён ҳам давом эттирамиз.

— Утган йили бир қатор давлатлар, шу жумладан Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлигидаги республикалар билан пахта толаси сотиш бўйича тижорат ишларини олиб бордингизлар. Унинг самаралари қандай бўляпти?

— Жуда ўринли савол. Биз якунланган 1992 йилда ташкилотимиз орқали Украинанинг Черновци шаҳрига 550 тонна, Иваново областининг Вечуга шаҳрига 150 тонна, Донецк областига 130 тонна, Хитой Халқ Республикасига 414 тонна пахта толаси сотдик. Шу ҳисобдан 75 миллион 432 минг сўм пул тушди. Шартномага асосан бу маблағни пахта толаси

тайёрлаган хўжаликларга ўтказиб бердик.

Хитой Халқ Республикасига жўнатилган пахта толаси ўрнига эса кенг халқ истеъмоли моллари айирбош қилинди. Бу товарлар яқин кунларда халқимизга етказиб берилади...

— Мақсад ва ҳаракатларингиз эзгуликдан иборат экан. Жорий йилда ассоциациянинг фаолият доираси кенгайдими?

— Ассоциациямиз дастурида кўрсатилган ишлар доирасида фаолият кўрсатсак, бизнинг айни пайтда амалга ошираётган ишларимиз денгиздан томчидек бўлиб қолади. Шунинг учун биз жорий йилда кўпроқ ишлаб чиқариш билан шуғулланмоқчимиз. Кичик корхоналар, қайта ишлаш цехлари қуришни мўлжаллаяпмиз.

Шунингдек, ёрдамчи хўжалик ташкил этиб, халқимизга жуда зарур бўлган ёғ, суг етиштиришни йўлга қўймоқчимиз.

Шу кунларда ташкилотимиз қошида тикувчилик цехи очиб, болалар ва катталар учун устки кийимлар тикишни йўлга қўймоқчимиз. Ҳозир Хитой Халқ Республикаси ва Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлигига қарашли қатор давлатларга пахта толаси жўнатаёпмиз.

Бу йил режалаштирилган муҳим ишларимиздан яна бири райондаги Улғабек номли жамоа хўжалиги ҳудудидаги Хўжакарсон ота масжидини таъмирлаш учун маблағ ажратилган иборатдир.

Ирмоқлар қўшилиб дарё бўлади деганларидек камтарона хизмати билан районимиз иқтисодий тараққиётига, халқимизни ижтимоий ҳимоялашга оз бўлсада ҳисса қўшолсак ўзимизни гоят бахтиёр ҳисоблаймиз.

Суҳбатдош: Р. ХУДОЙҚУЛОВ.

ШАРОИТ ЯХШИ БЎЛСА?..

АЛИМКЕНТ пахта тозалаш заводининг тарихи кичик. У 1906 йилда ака-ука Яушевлар томонидан ташкил этилган экан. Ҳозирда эса кудратли корхонага айланган... Бу ерда ишчиларнинг баракали меҳнат қилишлари учун барча қулайликлар яратилган. Кенг ва ёруғ цехларда ҳамма оғир ишлар техника зиммасига юклатилган. Оқ-кўрғон ва Бўка районларида етиштирилган пахтанинг қарийиб 29 минг тоннаси учта қабул пунктларига жамланиб завод жамоаси томонидан қайта ишланади. Иш жараёни анча мураккаб, Дастлаб тозалаш цехида пахтанинг чигити ажратиб олинади. Сўнг тола, линтларга ажратилиб, ҳар бири 200 килограммик тойлар ҳосил қилинади. Ҳар сменада 50 тоннагача сифатли тола Тошкент, Ивановдан ташқари Канада, Япония, Греция, Италия, Югославия, Испания, Франция, Германия, Руминия, Польша, Англияга жўнатиляпти:

— Яхши ишлаганлар яхши яшайпти. — деди завод директори Абдумухтор Давлатов. — Ҳозирги кунда ҳар бир ишчининг ўртача ойлик маоши 5500 сўмга тўғри келяпти. Бундан ташқари ойлик маошнинг 25 фоизи микродорида мукофот ҳам олишяпти. Иш шароити яхши. Чанг-ютгичлар, цехлар ҳавосини янгилаб турувчи мосламалар кайтадан созилди. Хоналар ҳарорати, ёруғлик нормада. Ишчиларга ёзги ва киши кийим-бошлар берилляпти. Уларнинг тушки овқатлари бепул. Сут завод ёрдамчи хўжалигидан келтириляпти.

Иқтисодий кийинчилик ҳисобга олиниб, ҳар бир ишчига 2 килограмдан ўсимлик ёғи бепул, 4 килограмдан ёғ арзон нархларда берилди. Ишчиларга ўз чорваси учун ем ҳам арзон нархда сотилляпти.

Бугунги кунда заводда уй-жой муаммоси йўқ. 24 та уй сотиб олиниб, ишчиларга тақсимланди. Ҳозирги кунда бу хонадонлар, заводнинг пахта қуриш цехи, марказий иситиш системаси газлаштириляпти.

Корхона раҳбарияти ва касаба уюшмаси қўмитаси ишчилар саломатлиги ҳақида ҳам алоҳида гамхўрлик қилмоқдалар. Утган ойларда жамоа аъзоларидан 21 киши санаторийларда даволаниб, саломатлигини мустаҳкамлаб келди, дам олиш уйларига кўплаб йўлланмалар берилди. 40 нафар бола заводнинг дам олиш масканларида дам олиб кайтилар. Кам таъминланган оилаларнинг болаларига эса 13 та йўлланма бепул берилди. Нафақага чиққан кишилардан ҳам доимо хабар олиб турилибди. Уларнинг уйларида завод ҳисобидан ремонт қилинади, байрамларда фахрийларга совғалар тақдим этилади.

Темур ҲАЙДАРОВ,
«Ишонч» мухбири.

ОРЗУЛАРИМИЗ УШАЛАВЕРСИН

Баҳромжон МАМАЖОНОВ — Кўкон такси саройи директори. Ўзи ёш, барча ишларга бош-қош. Фарғона водийсида ягона, республикамизда иккинчи бўлиб қад тиклаётган кўп қаватли, замонавий такси саройи ҳам айнан у кишининг ташаббускорлиги, жонқуярлиги, тиниб-тинчимаслиги натижасида бунёд этилмоқда.

— Такси саройимиз 1961 йил 1 январда қўшни 2520-корхонасидан мустақил бўлиб, ажралиб чиққан эди. Лекин ҳозиргача дурустрок жойимиз бўлмаганидан кўп жойга кўчиб юрдик. Илгариги жойимиз кичик ҳовли бўлиб, гаражимиз ўйдим-чуқур ерда эди, унинг айвонига 4-5 машина сигар эди, холос. Қолганлари ёз жазирамаси-ю киш ёғин-сочинларида ҳам очикда тураверарди. Айниқса, ёмғирли кунларда ҳаммаёқ шилта бўлиб кетарди. Хўп даврлар эканда. Ҳозир бундай шароитда ишлаб бўлмайди. Ишчиларимиз 600 нафардан ошди, 260 дан ошиқ машинамиз бор. Уша пайтларданок шофёрларимиз яхши шароитларда ишлагани, машиналаримиз замонавий гаражларда туришларини жуда-жуда орзу қилардик.

Хуллас, 1991 йил ярмида орзум ушаладиган бўлди — янги, замонавий такси саройи қурилишини бошлаб юбордик. Янги биномиз битса у водийда ягона, республикамизда иккинчи замонавий кўп қаватли такси саройи бўлади. Нарх-наво ошиб, унинг смета нархи 70 миллионга кўтарилиб кетди. Лекин элга келган тўй экан, ўзимиз маблағ топиб, Кўкон

хокимияти ва автотранспорт вазирлиги кўмаги туфайли қурилишни тўхтатганимиз йўқ, аммо маблағ, пул топишда қийналяпмиз. «Ҳозир шу қурилиш зарурмикин?» деб кўплар таъна қилишади, бироқ, бу нарсани биз бир кунда ўйлаб, бир кунда бошлаганимиз йўқ-ку, ахир. Қачонлардан буён кадимий ва навкирон Кўкон шаҳримизда ҳам ўз номи-ю доврўгига яраша замонавий такси саройи бўлишини орзу қилиб келардик. Ахир биз қурмасак, техника ҳимоясини, ишчиларимизнинг ижтимоий манфаатларини ўйламасак, жамиятнинг ривожини қайда қолади?

Ишончим комилки, бу оғир кунлар ҳам ўтар, янги биноларимиз битиб, яхши кунлар келар, вақтинчалик қийинчиликлар эртакдек бўлиб қолар.

Илоҳим, аввало замонамиз тинч, юртимиз осойишта бўлсин! Кўпмиллатли юртимизга ҳамиша офтоб нури ёғилиб турсин! Биз ҳам чарчок билмай ҳамшаҳарларимизнинг, шаҳримиз меҳмонларининг хизматида бўлиб, уларнинг узоғини яқин қилиб юраверайлик!

Суҳбатни **Д. АДҲАМОВ** ёзиб олган.



Неъмат Отахўжаев Тошкент «Полимер» ишлаб чиқариш бирлашмасининг энг тажрибали ишчиларидан бири. Бирлашмада халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқариш кенг йўлга қўйилган.

Даврон АҲМАД олган сурат.



Саволларга Ўзбекистон Республикаси ижтимоий таъминот вазирлигининг бош мутахассиси Хулкар ФАЙЗУЛЛАЕВА жавоб беради.

Умумий касаллик бўйича 3-тоифа ногирониман, меҳнат стажим 13 йил. Ҳозирги вақтда меҳнат стажига эга бўлган шахсларга энг кам нафақа 2500 сўм қилиб белгиланган. Менинг нафақам қанча бўлади?

А. АБДУРАҲМОНОВ,
Тошкент вилояти, Ўрта Чирчиқ райони.

2500 сўм микдордаги карилик нафақасига чик-нафақа бу 20—25 йил қан шахсларга ёки 2-тоифа меҳнат стажига эга бўлиб, фа ногиронларга тайинла-

надиган микдор. Қонунга мувофиқ 3-тоифа ногиронларига нафақа 30 фоиз микдорда тайинланади. Яъни, энг кам карилик меҳнат нафақаси 2500 сўм бўлса, Сизга 3-тоифа ногирони сифатида 30 фоиз белгиланган. Бу энг кам микдор. Агар Сиз ишлаган даврингизда юқори маош олган бўлсангиз, бу микдор кўпроқ ҳам бўлиши мумкин.

«Ишонч» газетасининг 1992 йилги 47-сонида тиббий ходимларга квартира, электр хизматлари ҳақи бепул дейилган, лекин қайси қонунга асосан эканлиги кўрсатилмаган, бу эса ҳисобхона ходимлари учун ҳужжат бўлиб хизмат қила олмайди. Мен шу нарсани суриштириб вилоят касаба уюшмаси орқали аниқладимки, ҳозирги кунда 1988 йил 31-октябрдаги қонун амалда экан. Министрлар кенгашининг бу қарорига эса ҳар хил нормалар қўйилган ва бепуллик тўғрисида ҳеч гап йўқ.

«Ишонч»нинг жавоби бирорта ҳужжатга асосланган бўлса ана шу ҳужжатни рўзнома орқали ёритсангиз.

И. М. ЭРМАТОВ,
Сирдарё вилояти, Гулистон район марказий касалхонаси касаба уюшмаси қўмитаси раиси.

Сизнинг коммунал хизмати учун ҳақ тўлашдаги имтиёзлар тўғрисида маълумот беришимизни сўраб ёзган хатингизга жавобан Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшмаси Марказий Қўмитаси шунин билдирадими, қишлоқ жойларда ва шаҳар типидagi посёлкаларда яшовчи ва ишловчи тиббиёт ҳамда дорихона ходимлари коммунал хизматлар-

дан (иссиқлик, электр, квартира ҳақи) бепул фойдаланиш ҳуқуқига эгадирлар.

Квартиралар мазкур жойларда амалда бўлган нормаларга асосан, бироқ, оиланинг ҳар бир аъзоси ҳисобига 10 кв. метрдан кўп бўлмаган хажмда бериллади.

Енилги эгаллаб турилган ҳар бир квартира учун бир тонна кўмир микдориди ажратилади. Мар-

казий иситгичдан фойдаланиладиган бўлса, уйдан фойдаланиш бошқармасининг ҳисоби бўйича имтиёз бериллади.

Электр қувватидан ҳар бир хонага 60 шамли, ошхонага эса 25 шамли электр лампочка ҳисобидан бепул фойдаланиш имтиёзи берилган. (Асос: Ҳозирга амалда бўлган КПСС Марказий Қўмитаси билан СССР Министрлар Кенгашининг 1968 йил 5-июлдаги 517-сонли қарори ҳамда Ўзбекистон ССР Министрлар Кенгашининг 1988 йил 31-октябрдаги 392-сонли «Аҳоли саломатлигини муҳофаза қилишни яхшилаш ва соғлиқни сақлашнинг моддий-техника асосини янада мустаҳкамлаш чоралари тўғрисида»ги қарори.)

Шаҳарлардаги соғлиқни сақлаш тизимида ишловчилар учун коммунал хизматдан фойдаланишга 50 фоизли имтиёзлар бериш ҳозирча директив ҳужжатларда кўзда тутилмаган.

Биринчи тоифа кўзи ожиз ногиронман. Нафақам микдори қанча бўлиши керак?

З. АШРАПОВА,
Тошкент вилояти, Тошкент райони.

Ногиронларга нафақа тайинлашда ёшга нисбатан стаж талаб қилинади. Агар Сиз ҳам иш стажига эга бўлсангиз ҳозирги вақтда нафакангиз мик-

дори 5000 сўмни ташкил қилиши мумкин. (асосий микдор 2500 сўм ва қараб туриш учун 2500 сўм қўшимча) Меҳнат стажига эга бўлмаган шахсларга 1 тоифа бўйича ногиронлик нафақаси микдори 1250 сўмни ташкил қилади.

Опан руҳий касаллиги туфайли йиллаб шифохонадан чиқмайди. Унинг 14 ёшдаги ўғли менинг қарамоғимда, чунки отаси ташлаб кетган. Шу бола учун фақат 40 сўм нафақа ва 30 сўм алимент оламан. Яна қандай моддий ёрдам олиш мумкин?

Р. ҲАҚБЕРДИЕВ,
Қашқадарё вилояти, Қамаш шаҳри.

Опангиз 1-ёки 2-гурух касини олса, нафақасига бўйича ногиронлик нафақаси бола учун қўшимча ҳақ

бериш мумкин, унинг микдори 1250 сўмга тенг. Лекин у ҳолда 40 сўмлик нафақа тўланмайди. Бундан ташқари болаларга аталган маҳсулотларнинг нархи ортиши муносабати билан йиллик мақсадли тўловлар белгиланади. Ҳозирги вақтда (йил давомида) унинг микдори 795 сўмга тенг.

Мен бир мактабда 40 йил узлуксиз ишладим. Шунинг учун нафақамга қўшимча ҳақ берилдими? Ўқитувчиларга 55 ёшдан имтиёзли нафақа тайинланадими?

Н. ДУСАНОВ,
Самарқанд вилояти, Нарпай райони.

Йўқ, ҳозирги вақтда қўлланилаётган Қонунга мувофиқ узлуксиз ишлаган йиллар учун қўшимча ҳақ берилмайди.

Ўқитувчилар учун имтиёзли нафақа тайинлаш назарда тутилмаган. Лекин уларга ёшидан катъий назар кўп йиллик хизмат нафақаси тайинланиши мумкин. Бунда бевосита ўқитувчи бўлиб камиди 25 йил иш стажига эга бўлиши керак.

Отам Ватан уруши I гуруҳ ногирони. «Запорожец» енгил автомашинаси олганига 7 йилдан ошди. Яна автомашина олиш учун мурожаат қилганда ижтимоий таъминот бўлими мудири ҳозир машина билан таъминлашнинг имконияти йўқлигини айтди. Шу тўғрими?

Ж. ЮСУПОВ,
Самарқанд вилояти, Жомбой райони.

Маълумки, ҳозиргача барча автомашиналар бошқа республикалардан сотиб олинар эди. Бу борада мустақил республикалар аро янги битим ёки шартнома тузилгани йўқ, шу сабабли ҳозирча автомобилларни кўп микдорда сотиб олиш имкониятига эга эмасмиз. Ўйлаймизки, яқин келажакда бу масала ижобий ҳал бўлади.

Давлат идорасининг хизматчиси тижорат соҳасида, хусусий тизимларда ўриндошлик йўли билан ишлаши мумкинми?

П. ҲАЙРУЛЛАЕВ,
Тошкент шаҳри.

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Вазирлар Маҳкамасининг 1992 йил 6 мартдаги 103-сон қарорига биноан қуйидаги тоифадаги хизматчилар тижорат ва хусусий тизимларда ишлаш ҳуқуқига эга эмаслар:

— давлат ҳокимияти ва бошқарув органларининг ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларининг ходимлари;

— давлат банклари раҳбарлари ва уларнинг ўринбосарлари, хизмат юзасидан пул белгиларига ва пул (банк) ҳужжатларига бевосита алоқаси бўлган мансабдор шахслар;

— давлат корхоналари, муассасалари ва ташкилотлари раҳбарлари ва уларнинг банк ҳужжатларига имзо қўйиш ҳуқуқига эга бўлган ўринбосарлар;

— давлат таъминот ва савдо-сотик корхоналари ва ташкилотларининг раҳбар ходимлари;

— тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш билан боғлиқ масалаларни ҳал қилиш ёки бундай фаолиятни назорат қилиш ўз вазифасига кирувчи давлат органларининг раҳбар ходимлари ва мутахассислари;

— чакана, улгуржи-чакана савдо, умумий овқатланиш давлат бирлашмалари ва корхоналарининг, трестларнинг раҳбарлари ва уларнинг ўринбосарлари, бош мутахассислари, бўлинмаларнинг бошлиқлари, моддий жавобгар шахслар қарорда кўрсатилмаган тоифадаги хизматчилар ўриндошлик йўли билан тижорат фаолияти билан шуғулланишлари мумкин.



ХАКИКИЙ меҳнаткаш, андишали халқимиз бугун бозор иқтисоди кийинчиликларини бошидан кечирапти. Хар бир буюк ишнинг бошланиши шундай кийин кечини муқаррар! Шунинг учун ҳам вақтинчалик иқтисодий тангликларни сабр-матонат, яхши умидлар билан енгишга киришилган. Тўғри, ҳалққа осон эмас. Пахта экиб, оддий чигга, сатинга эҳтиёжи катта. Республика раҳбарияти ҳам шуларни ҳисобга олиб, тўққиз турдаги метёрлаштирилган озик-овқат молларини тенг тақсимлаш чораларини белгиланган. Катъий тартиблар жорий қилган.

Рўзғорга учма-уч етадиган кўп нарсаларни нопок йўллар билан четга ошириш, кўпнинг ризқи-насибаси ҳисоби-га ҳамёнини тўлдириш учун имонини ютганлар ҳам йўқ эмас.



Ортга қайтиш йўқ

Республика Президенти кўрсатмасига биноан Андижон вилоятида уюшган жиноятчилик, чайқовчилик, қонунбузарликка қарши кескин кураш бошланди. Бу сўзсиз ўз самарасини беради. Вақт, чидам ва шижоат керак, холос.

«Уюшган тўда», «рэкэтчи», «тижоратчи» деган сўзларнинг мағизи чақилиб қолди. Улар ҳақида фақат эшитибгина эмас, балки кўриб ҳам кўзинг пишмоқда. Бола-чақаси билан кўрик ерга қовун-тарвуз экиб, ҳосилни бозорда сотиб чиқаётган деҳқонликни бозор дарвозасида кўрқитиб, пичок ўқталиб, оғзидан гуллаб кўймасликни «насихат» қилиб, ҳамёнини шилаётганлар имонини танмайди. Улар-ку халқни кўрқитиб шиларкан, устмон тижоратчилар-чи?! Хушхулқлик, сертавозелик билан харидорларни қашата бошладилар. Энг муҳими ўз халқининг соддалигидан фойдаланиб, фирибгарликка ружу кўйдилар. Халқнинг андишасини ўзига ўқлаб, отмоқдалар.

Андишангни ўқлаб отди қай мерганлар, Элим дея эл ризқини ўмарганлар, Манглай теринг ховурида семирганлар, Гўдақларинг гуноҳига кўмилганлар, Кимлар эди, гапир элим, огрийди жон, Гапларингга кафил бўлсин бугун виждон.

Андижондаги нуфузли комиссия текширувлари жуда кўп халқ ризқини ўмарганларни фожия эди. Кейинги пайтда маҳаллий матбуотда «Божхонада нима гап?» деган маълумотлар бериб бориляпти. Алҳазар, ўтган 1992

йилда вилоят божхоналари ходимлари 56 миллион сўмлик хар турли маҳсулотларни четга ташиб кетилганда қўлга туширилди. Шундан 141 минг сўмлик вилоят матлубот жамиятларига қарашли маҳсулотлардир. Бу — ўғирликларнинг кўпи савдо шахобчаларига етмасданок бошланганди дегани эмасми?! Худди шундай. Лекин матлубот жамияти ходимларининг бу ишга шерикчиликлари ҳам йўқ эмаслиги маълум бўлиб қолди. Бу ҳақда вилоят матлубот жамияти бошқаруви раиси Салим Каримович Иминов шундай дейди:

— Пахтабод районига қарашли Пахтакор кишлоқ матлубот жамияти раиси ташаббуси билан 54,9 тонна ёғ Янгийўл ёғ-мой комбинатидан келтирилган. Одатда жамғармадаги ёғни Асакадан олардик. Демак, бу келишув билан қилинган иш бўлса керак. Ёғни

Бу ҳолат кейинги пайтда назоратнинг ўта сусайганлиги натижасидир, албатта. Бир одамни ишдан олиб, иккинчисини ўтказиб қўйган билан иш яхшиланмаслиги мумкин. Матлубот жамияти ҳозирча анча тadbирлар белгилади. Маъмуриятдаги хар бир ходимни жойларга жавобгар шахс сифатида бириктириб қўйди. Нон комбинатлари раҳбарларининг иш графикларини нон тандирдан чиқадиган пайтга мослаштириб, ўзгартирилди. Энг муҳими, элнинг ризқига кўз олайтирганларга шафқат қилинмаслиги таъкидланди.

Халқимизда холвани ҳақим ер, қалтакни етим, деган нақл бор. Бу борада савдо ходимларини оқлашдан мутлақо йироқман. Лекин ўйлаб қаралса, уларнинг ҳам муаммолари бир талай. Биринчидан эркин нарх деган имкониятни хар ким хар хил тушунаётир. Иккинчидан, савдо оморларига ишлаб чиқариш корхоналаридан осонликча мол тушмаяпти. Ёғ учун Асака заводига, чой учун Самарқанд фабрикасига катнаб, кимнинг юзига, кимнинг чўнтагига «салом» бериб, мол келтиришлар савдо ходимининг ҳам тинқасини қуритмоқда чоғи. Ҳақиқатан ҳам оморига чиким билан мол олиб келган савдо ходими ўзи сезмай жиноят йўлига кириб кетиши мумкин. Кетган харажатнинг ўрнини қоплайман, деб элнинг нафратига учраб ўтиради.

Вилоят давлат назорати бўлими раиси муовини Ақромжон Солижонов бошқа жойлардаги текширувлар ҳақида ҳам гапириб берди:

— Биз халқ фаровонлиги, юрт барқарорлиги учун чиқарилган Президент фармонларининг қай тарика бажарилаётганини назорат қиламиз. Биргина фермер хўжаликлари ҳақидаги фармонларни олинг. Улар тўлик амалга ошса, гўшт ва сут муаммоси аллақачон амалга ошган бўларди. Фермерларга ер ажратиб беришда ҳам кўзбўямачиликларни кўрдик. Хўжабод районида мўлжалдаги 12 минг гектар ўрнига бор-йўғи 1578 гектар ер берилган. Бу — 13 фойзга ташкил қилади, холос. Асакадаги Қорабоев, Мирзаев номидаги жамоа хўжаликларида бу — етти фойзга ташкил қилган. Шунданми, ҳозир фермерларнинг битта сизгидан етказиб бераётган сут маҳсулоти хўжалиқлар етказиб бераётган даражага ҳам етмайди.

Хўжалик, раислари фармонлар ижросига жиддийроқ қарашлари керак. Улар қолхозлар ҳудудидagi уйлари хусусийлаштиришда ҳам нуқсонларга йўл қўймоқдалар. Айниқса; ўқитувчилар, шифокорлар масаласида ҳам беписандлик қилляптилар. Қасаба уюшмалари, фирма кўмиталари, ёшлар иттифоқи, ички ишлар бўлими ходимлари билан ҳамжиҳат, махсус комиссиялар туздик. Энди назоратни қучайтирсак бўлмайди. Ортга қайтиш йўқ!

Замира РЎЗИЕВА,
«Ишонч» муҳбири

«ИШОНЧ»ГА ЖАВОБ БЕРАДИЛАР

«ИШОНЧ»НИНГ 1992 йил 42-сонидa «Сансалорликнинг чеки борми?» сарлавҳали танқидий мақола эълон қилинганди. Унда Қорақалпоғистондаги энг кенжа-Элликқалъа районини нефть маҳсулотлари билан таъминлашдаги узилишлар батафсил баён этилган эди.

Яқинда Элликқалъа район ҳокимининг ўринбосари Ибодулло Саъдуллаев шу мақола юзасидан муҳбиримиз билан суҳбатда қуйидаги фикрларини билдирди:

— Газета мақоласи ўз вақтида эълон қилинган деб ҳисоблаймиз. Ҳақиқатан ҳам районимиз нефть маҳсулотлари таъминотида Қорақалпоғистонда «ўғай» ҳолида қолмоқда эди. Республика Олий Кенгаши ва ҳукуматининг амалий ёрдамлари ва район ҳокимлигининг ташаббуси билан бунга бутунлай барҳам бериладиган бўлди. Қоратогдаги Султон Увайс темир йўл станциясида Элликқалъа ва Беруний районлари учун нефть базаси қурилиши бошланди. Бўстон сув қурилиш трестига қарашли 3-механизациялашган кўчма колонна амалга ошираётган мазкур муҳим таъминот тармоғини шу йилнинг биринчи ярмида ишга тушириш мўлжалланмоқда. Нефть базаси қунига бир неча юз тонна маҳсулот жўнатиш қувватига эга бўлади. Энг муҳими, маҳсулот ташиб олиш ҳозирги Тўрткўл нефть базасига нисбатан бир ярим ҳисса яқин бўлади.

* * *

«Ишонч»нинг 16 январь, 3-сонидa босилган «Ҳаракатда баракат, лекин...» сарлавҳали мақола юзасидан Ўзбекистон Қасаба уюшмалари қурортлари бошқариш республика Кенгаши раиси Х. Ш. Раҳмудов қуйидаги фикр-мулоҳазаларни билдирди:

Унда айтилишича «Ботаника» санаторийси ошқозон-ичак ва жигар касалликларига ихтисослаштирилганлиги сабабли овқатланиш тартиби мазкур беморларга мос таомлардан иборатдир. Жумладан, маданый тadbирлар масаласида санатория Ўзбекистон давлат филармонияси, театрлар ва цирк билан шартнома асосида иш олиб борапти.

Шунингдек, санаторийлар қасаба уюшмалари тасарруфида бўлсада, таъминот, қурилиш ва бошқа масалалар бўйича давлат корхоналари, вазирликлар ҳамшиша ёрдам бериб келмоқда.

Айни пайтда санаторий корпусларини кенгайтириш, таъмирлаш, жиҳозлаш ишлари олиб борилаётганда, «Ўзқурорт» кенгаши ва санаторий маъмурияти маълум чора-тadbирларни амалга ошириш бўйича махсус қарор қабул қилди.

улуш қўшидилар.

ЯНГИ ШИФОХОНА

● ЯҚИНДА Фарғона шаҳрининг Қирғули районидаги «Азот» бирлашмаси тиббий санитарий қисми ҳудудида 4 каватли янги стоматологик поликлиника иш бошлади. Уни 8-қурилиш трестининг 2-қурилиш бошқармаси бинокорлари барпо этдилар.

Янги поликлиникада бир сменада 600 кишини қабул қилиш имконияти яратилди. Беморларга 40 нафар малакали врачлар хизмат кўрсатмоқдалар.

А. ДАМИНОВ,
«Ишонч» муҳбири.

ОНАЛАР ТУРКИЯГА БОРИШДИ

● ЎЗБЕКИСТОН Республикаси Президенти ҳузурдаги Вазирлар Маҳкамасининг «Туркия Республикасининг олий ўқув юртимизда ўқийётган ўзбекистонлик ёшларга ёрдам кўрсатиш тўғрисида»ги қарорига кўра бир гуруҳ фарғоналик оналар делегацияси Туркияга боришди. Оналар у ерда билим олаётган фарзандлари билан дейдорлашиб, уларнинг ҳолаҳволаридан хабар олиб қайтишди.

Бундай шарафга эга бўлганлар ичида Фарғона политехника институтининг кимё кафедраси доценти Саодат Мирсалимова, вилоят тур-

рукхонаси ходимаси Зумрад Кодирова, Фарғонафурқаролийи» институти иқтисодчиси Дилора Носирова, Кўкон пойафзал фабрикаси ишчиси Гулсиной Солиева, Риштон ва Бешарик райони нафақа олувчилари Хосият Шарофитдинова ва Салимаҳон Рўзиматовалар бор эди.

Сафарга борган онахонлар йўл харажатларини қоплаш учун вилоят бюджетидан 289 минг 602 сўм маблағ сарфланди.

ЯХШИ КУНЛАР ҲАМ КЕЛАР

● ТОЖИК халқи бошига тушган мусибат хар бир ўзбекистонликнинг қалбини ларзага солганидек, барча фарғоналиклар ҳам бундан чексиз қайғуга ботдилар.

Йил бошида Тошкентда бўлиб ўтган Марказий Осиё мамлакатлари бошлиқларининг учрашувида тожикистонлик қардошларимизга ёрдам фондини ташкил этиш ташаббусига асос солинган эди. Шундан сўнг вилоят ҳокими ва қасаба уюшмалари кенгаши дарҳол вилоят ҳудудида келиб қолган тожикистонликларга ёрдам кўрсатиш фондини ташкил этиш тўғрисида қарор қилишди. Қарорни маъқуллаб, тожик биродарларимизни ҳам моддий, ҳам маънавий қўллаб-қувватлаш мақсадида вилоятдаги қатор корхона ва ташкилотларда жамоа йиғилишлари бўлиб ўтди. Бу жамоалар бир кулик иш ҳақларини ёрдам фондида ўтказишди. Бундай инсонпарварлик ёрдамига биринчилардан бўлиб

«Фарғонатранс» бирлашмасига қарашли 9-автокорхона 150 минг ўлтириқ саноат комбинати жун йиғирув фабрикаси ишчилари 100 минг, бувайдалик маорифчилар 260 минг, Янгийўл ип-йиғирув ва тикув фабрикаси жамоаси 204 минг, қувасойликлар 2 миллион сўмлик ҳисса қўшишди. Қўқонликлар ҳам даъватга муносиб жавоб беришди: ёғ-мой комбинати ишчи, инженер-техник ходимлари 360 минг, ип-йиғирув пайпоқ тўқув бирлашмаси ярим миллион, Муқимий номидаги Қўқон педагогика олийгоҳи 210 минг сўм пул ўтказдилар. Инсонпарварлик ёрдами беришга журналистлар ҳам ошқинди. Вилоят «Олтин водий» газетаси ходимлари 10 минг, бешариклик журналистлар 6,5 минг сўмлик



Саволларга Ўзбекистон агросаноат мажмуи ходимлари касаба уюшмаси Марказий Кўмитаси раиси Т. Қўшаев, Ўзбекистон агросаноат мажмуи ходимлари касаба уюшмаси Марказий Кўмитаси бўлим мудирлари Б. Акбаров ва Ўзбекистон Республикаси ижтимоий таъминот вазирлиги бош мутахассиси Х. Файзуллаевалар жавоб берадилар:

1976 йилда туғилган укам 16 ёшгача болаликдан ногиронлик нафақаси олар эди. Ҳозирги вақтда тўхтатиб қўйишди. Ижтимоий таъминот бўлими ходими, «яна тиббий кўрикдан ўтиши лозим», деди. Шу тўғрими, ахир укам болаликдан ногирон-ку?

О. НОРМАТОВ,
Қашқадарё вилояти,
Деҳқонобод райони.

Қонун бўйича 16 ёшгача бўлган ногирон болалар яшаш жойидаги даволаш муассасаси ёки болалар шифохонасида дўхтирлар назоратида бўлади ва уларнинг ногиронлиги ҳақидаги хулосани даволовчи шифокор ёзиб беради.

16 ёшга тўлгандан кейин ногиронлик ҳақида хулоса тиббий-мехнат экс-

пертиза ҳайъати кўриги натижаси бўйича берилди. Кўрикдан ўтиш учун йўлланма катталар шифохонасидан олинади. Ногиронлик хулосаси берилгандан сўнг нафақа тўлаш давом эттирилади.

Агар уқангиз юролмайдиган бўлса, ҳайъат аъзоларини уйда кўрик ўтказиш учун таклиф қилиш мумкин.

Мен 40 йил тракторчи бўлиб ишлаб, 1989 йил нафақага чиққанман. Аввалига ойига 120 сўм нафақа олардим, кейин 350 сўм оладиган бўлдим. Шу тўғрими? Кейин шу касбда кўп йил ишлаганим сабабли бод, қандли диабет катталикларига чалинганман. Бунинг учун нафақамга қўшимча ҳақ бериладими?

С. ЖУРАҚУЛОВ,

Жиззах вилояти, Октябрь районида,
Собир Раҳимов номидаги жамоа хўжалиги.

Нафақалар миқдори Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонларига кўра бир неча бор кўриб чиқилиб, унинг энг кам миқдори 1993 йилнинг январидан 2500 сўм этиб белгиланган.

Шунинг учун хатингизда қайд этилган 350 сўм-

лик нафақа миқдори ҳақиқатга тўғри келмайди. Бу ҳақда ҳамда бетоблигингиз ҳақидаги ҳужжатлар билан ўзингиз яшаб турган район ижтимоий таъминот бўлимига мурожаат этиб маслаҳат олишингиз мумкин.

Мен радикулит билан оғриб, 1992 йили Қисловодска бориб, «Ўзбекистон» санаторийсидан ўн бир минг сўмга йўлланма сотиб олдим ва 24 кун давомида даволаниб келдим. Бу ҳақда маълумотнома ва квитанция олиб келиб, хўжалигимиз касаба уюшмаси кўмитаси раисига топшириб йўлланма қийматини тўлашларини сўраганим, лекин улар фақат 450 сўм тўлашлигини айтишди.

Менга ўхшаб йўлланма сотиб олиб даволанган давлат ташкилотлари ходимлари йўлланма қийматининг 75 фоизини ўз идораларидан олишаркан. Нега энди биз жамоа аъзоларига тўланмайди?

Қ. МАМАСОЛИЕВ,

Сурхондарё вилояти, Денов районидagi
Ленин номи жамоа хўжалиги.

Ижтимоий суғурта маблагини етишмаслиги сабабли ҳозирги вақтда ишчи ва хизматчилар томонидан сотиб олинган йўлланмаларга 480 сўм миқдоридан тул тўлаш белгиланган. Бу жуда кам, албатта. Бу тўловлар тез кунларда сайта қараб чиқилиши ўзда тугилмоқда.

Хатингизда қайд қилинган сотиб олинган йўлланманинг 75 фоиз қийматини

ходимларга давлат ташкилотлари ҳисобидан тўланади, лекин ижтимоий суғурта ҳисобидан эмас.

Келажакда йўлланма олишга зарурият туғилганда талабингизни жамоа хўжалиги касаба уюшмаси кўмитаси кондиролмаса, имтиёзли йўлланма олиш учун ариза билан район, вилоят касаба уюшмаларига мурожаат қилишингиз мумкин.

1. 1992 йилнинг 1 октябрдан бошлаб ойлик иш ҳақим 3020 сўм бўлди. Клубимиз III тоифали клуб. Айтингчи менинг маошим қанча бўлиши керак?

2. Сиртдан ўқиётган талабаларга сессияда бўлган ойларида ойлик иш ҳақи тўлиқ тўланадими ёки ўртача миқдорда?

3. Клубларни ижарага олиш мумкинми?

4. Ёлғиз оналарга ижтимоий таъминот бўлими томонидан берилаётган алиментлари қўпаядими?

У. ХОЛМУРОДОВА,
Наманган вилояти,
Учқўрғон райони,
Қўғай қишлоғи.

Ўзбекистон Республикасида 1993 йил биринчи январидан қўлланилаётган ягона тариф сеткаси бўйича клуб мудирларининг категорияларига қараб ойлик маошлари 6—9 разрядлар билан белгиланиб 4700 сўмдан 6350 сўмгача бўлади. 1992 йилда III тоифали клуб мудирларининг маоши 4080 сўмга тенг. (Ўзбекистон Республикаси Меҳнат вазирлигининг 1992 йил 28 апрелидаги 4/12 сонли қарорига асосан).

2. Олий ўқув юртларида сиртдан таълим олаётган ходимларга ўқув таътилда бўлган давр учун энг охириги белгиланган лавозим маоши миқдори тўланади.

Асос: Ўзбекистон Республикаси Меҳнат вазирлигининг 8/4 сонли ва Молия вазирлигининг 10-сонли 1992 йил 30 июлда чиққан қўшма қарори.

3. Ўзбекистон Республикасининг 1992 йил 19 ноябрда қабул қилинган «Ижара ҳақида»ги қонунига асосан клубларни ижарага (шартнома асосида) бериш мумкин. Аммо клублардан фақат амалий йўналишларда яъни маданий, иқтисодий, тасвирий ва ҳоказо соҳаларда фойдаланиш зарур.

4. Алимент пулининг миқдори сиз яшаб турган район суд органлари томонидан белгиланади.

Тракторчиларга имтиёзли нафақа тайинлашда армия сафида хизмат қилган вақт ва сайлов йўли билан тайинланадиган (хизмат вақти) лавозимида ишлаган вақт ҳисобга олинадими?

Ж. ОЙТУҒДИЕВ,
Бухоро вилояти, Олот райони.
Қ. РАЖАБОВ,
Самарқанд вилояти, Қаттақўрғон райони.

Тракторчи-машинистларга имтиёзли нафақа белгилашда шунинг назарда тутиш керакки, бу турдаги нафақа фақат кишлоқ хўжалик маҳсулоти етиштиришда бутун дала мавсумида бевосита банд бўлганларга тайинланади. Тракторчи-машинистлар гувоҳномага эга бўлиб, айнан шу касб бўйича ишга қабул қилинган бўлиши керак.

Тракторчи-машинистлар трактор ва бошқа ўзи

юрар кишлоқ хўжалик машиналарида ишлашлари керак. Тиркама ва стационар агрегатларда ишлайдиган тракторчи-машинистларга имтиёзли нафақа тайинланмайди.

Бу нафақани тайинлашдаги асосий шартлардан яна бири — айнан тракторчи — машинист сифатида ишлаган иш стажининг 25 йилдан кам бўлмаслиги лозим. Бу даврга бошқа хизмат ва иш фаолияти кирмайди.

1 гуруҳ ногирониман. Турмуш ўртоғим менга қараб турган вақт иш стажига ўтадими? Кирса меҳнат дафтарида ёзиладими?

Меҳнатда майиб бўлган ногиронларга корхона томонидан тўланаётган тўловлар ҳам ошганми? Ошган бўлса қаерга мурожаат қилиш керак? Велюколяска олиш учун-чи?

Р. БЕКНИЕЗОВ,
Қорақалпоғистон, Беруний шаҳри.

I тоифа ногиронига меҳнатга лаёқати бўлган, лекин ўзи нафақа олмайдиган ва ишламайдиган оила аъзоси ёки бошқа шахс қараб турса, бу иш стажига қиради.

Меҳнатда майиб бўлган ногиронларга корхона томонидан соғлиққа етказилган зарарни қоплаш учун тўловлар белгиланади. Бу тўловларнинг миқдорлари ҳам ошган. Сизга

тўлаб келинган миқдор эндиликда қанча бўлганлигини аниқлаш учун иш жойингиздаги касаба уюшмаси ёки (вилоят) район касаба уюшмаси техник инспекторига мурожаат қилишингиз мумкин.

Вело ва кресло арава-чалар тиббий-мехнат экспертиза ҳайъати хулосасига асосан ижтимоий таъминот ташкилотлари ордери берилди.

Ёшим 55да, ёлғиз яшайман. Аҳволим оғир, яшашим ҳам қийин бўлаяпти. Менга нафақа тайинланадими?

Ж. САТТОРОВА,
Қашқадарё вилояти, Чироқчи райони.

Меҳнат стажингиз ҳақида ёзмагансиз. Сизни қизиқтирган саволга жавобимиз қуйидагича: Меҳнат стажингиз бўлмаганларга ҳозирча нафақа тайинлашнинг имконияти йўқ. Борди-ю камроқ стажингиз бўлса, унда шу йилларга мутаносиб тўлиқсиз нафақа тайинланиши мумкин. Демак юқорида айтиб ўтганимиздек иш стажингиз бўлмаганларга ижтимоий қариллик нафақаси тайин-

лаш мумкин эмас, чунки бу нафақа аёлларга фақат 60 ёшга тўлгандан кейин тайинланади.

Соғлигингиз заифлашган бўлса, даволаш муассасига мурожаат қилиб тиббий-мехнат экспертиза кўригидан ўтиш учун йўлланма олишингиз керак. Агар кўрик натижасида ногиронлик гуруҳи белгиланса, сизга ногиронлик бўйича ижтимоий нафақа тайинланиши мумкин.

● Саҳифаларни мухбирлар билан ишлаш бўлими тайёрлади.



— Институтимиздаги алкалоидлар, гликоидлар, кумаринлар ва терпеноидлар, ўсимлик оксиди, липидлар, углеводлар (қанд моддалари) лабораторияларида ўсимлик моддаларини излаш, уларни ажратиш олиш технологиясини яратиш, кейин бу янги кашф этилган моддаларни тиббиётда қўллаш бўйича иш олиб борилади. Бу ишлар натижасида тиббиёт учун 30 га яқин доривор моддалар топилган ва уларнинг кўпи клиник синовлардан ўтиб тиббиётда дори-дармон сифатида қўлланилмоқда. Бу моддалар ҳозирда Тошкент кимё-фармацевтика заводида ишлаб чиқарилмоқда.

Энди бу моддаларга алоҳида тўхталиб ўтсак.

Институтда олинган дастлабки дорилардан бири кишилардаги шол касаллиги ва нерв фалажига қарши ишлатиладиган галантамин препарати-дир. Унгерия, яъни халқ тилида айтадиган бўлса, омонқора ўсимлигидан олинган ушбу дори, айниқса, болалардаги суяк касалликларини даволашда ҳам юқори натижа бермоқда.

Шол ва нерв фалажига қарши бўлган, ичак фаолиятини кучайтирувчи ўзига хос препаратлардан яна бири

дезоксипеганин гидрохлориддир. Бу модда халқ табобатида кўп ишлатиладиган исирик ўсимлигидан олинган. Ахир кексалар бекорга исирик тутатишмайди-да. Исирик тутатилганда ундаги ишқор, эфир мойлари ва бошқа моддалар куйиб, атрофга ўзига хос хид таратади. Бундан тур-

ўсимлигидан йўталга қарши, балғам кўчирувчи ликорин препарати ҳам олинган. У нафас йўлларидаги суринкали шамоллашида, ўпка шамоллашида, нафас қисилишига қарши ишлатилганда яхши натижа беради. Парпи ўсимлигидан ажратиш олинган аллапинин препарати эса тиб-

Танадаги умумий қарчогни босиш учун, айниқса, спортчиларнинг ишчанлигини ошириш учун левзия, яъни марал илдизи ўсимлигидан ажратиш олинган экдистен препарати ҳам қўлланилмоқда.

Сўнгги пайтларда гижжаларга (гельментларга) қарши ишлатиладиган препаратлардан бири медамин моддасидир. Бу синтетик йўл билан олинган препарат бўлиб, аскаридоза, трихоцефалеза, энтеробиоза, стронгилоидоза, анкилостромидозаларга қарши қўлланилганда яхши самара бермоқда.

Ўрта Осиёда кенг тарқалган псорален препаратига қарши ишлатиладиган анжир баргидан олинган псоробан препарати ҳам бизнинг институтда топилган. Яна бу мақсадда псоралея костяка, яъни оккурай ўсимлигидан олинган псорален препарати ҳам ишлатилади.

Ушбу шифобахш дорилар юқорида айтганимиздек, Тошкент кимё-фармацевтика заводида ишлаб чиқарилади. Бундан ташқари Чимкент кимё-фармацевтика заводида псоробан субстанции ва аллапинин, Горький кимё-фармацевтика заводида псоробан мази ишлаб чиқарилмоқда.

2000 йилгача институтимиз олимлари яна 20 га яқин турли хил фаолликларга эга бўлган шифобахш дориларни тиббиётга татбиқ этишни режалаштирганлар. Ҳозир бу моддалар клиник ёки клиник олди синовларидан ўтмоқда. Уларнинг ҳам кўпи ўсимликлардан ажратиш олинган.

Беморлар дардига малҳам бўлаётган юқоридаги дори-дармонлар академик Собир Юнусов ҳамда унинг шогирдлари профессорлар — Ҳаким Абдуазимов, Исोक Комилов, Талъат Шокиров, Ноил Абубакиров, Мухаммад Султонов, Назир Тўлаганов ва Хамидулла Орипов томонидан топилгандир.

Адхам ДАМИНОВ,
«Ишонч» муҳбири.

ЎСИМЛИКЛАРНИНГ СЕҲРЛИ ДУНЁСИНИ ОЧИБ

Ўзбекистон Фанлар академиясининг Ўсимлик моддалари кимёси институти Ўрта Осиёда ўсадиган ўсимликларни татбиқ этиб, улардан кўп-лаб шифобахш дори-дармонлар оладиган, ўз йўналиши бўйича Республикада ягона илм даргоҳидир. Илмгоҳда ўсимликлардан 1000 га яқин алкалоидларни ажратиш олинишининг ўзи фикримизнинг исботидир. Бу ерда олинган моддалар тиббиётда, қишлоқ хўжалигида, озиқ-овқат саноатида ва халқ хўжалигининг турли соҳаларида қўлланиб келинмоқда.

Институт 1957 йилда очилган бўлса-да, унга аслида бундан 50 йил муқаддам машҳур кимёгар олим, академик Собир Юнусов ташкил этган алкалоидлар кимёси лабораторияси замин бўлган эди. Шу кунларда институтда 16 та тажрибахона, илмий-ташқилий бўлим, тажриба ишлаб чиқариш корхонаси мавжуд бўлиб, уларда 547 киши ишлайди, шундан 325 нафари илмий ходим, жумладан 24 таси фан доктори, 104 таси фан номзодидир.

Дастлабки мулоқотимиз институт илмий-техник маркази бошлиғи Т. Т. Дўстмуҳамедов билан бўлди. У бизга илмгоҳ тажрибахоналарида топилган ва клиник синовлардан муваффақиятли ўтиб тиббиётда самарали ишлатиладиган шифобахш дори-дармонлар ҳақида гапириб берди.

ли хил юқумли касалликларнинг микроблари, турли микроорганизмлар, вируслар, айниқса, грипп вируслари, ичкерлама, юракбуруқ микробларининг 90 фоизи қирилиб кетади. Шунинг учун хонада тез-тез исирик тутатиб туришининг ҳосияти кўп.

Бундайин халқ шифобахш гиёҳ сифатида фойдаланиб келаётган ўсимликлар таркибида беморлар дардига шифо бўладиган алкалоидлар, гликозидлар, эфир мойлари ёки турли органик кислоталар бўлади.

Юқорида айтганимиз омонқора

биёт учун катта топилма бўлди. Дунёда ҳали ўсимликлардан ажратиш олинган бундан бошқа самарали дори йўқ. Шунинг учун бу дорининг аҳамияти бекиёс. У кишиларга юрак ўйнағида, юракнинг нотекис уриш жараёнларида (аритмия) қўлланилади.

Аёллардаги гинекологик касалликларни даволаш учун тез таъсирга эга. Туғиш жараёнида мускулларни юмшатадиган, оsonлаштирадиган тетрол препаратига ҳам топилган. Бу модда ферула, яъни чайир ўсимлигидан ажратиш олинган.

«ХАР қандай дарднинг давоси ўша ҳудуднинг ўзидан топилади», деган экан тиббиёт алломаларидан бири. Жуда тўғри айтилган гап. Юртимизда ўсиб-унадиган тиббиёт неъматлари, ўт-ўланларнинг ҳар бири қандайдир бир дардга албатта шифо бағишлайди. Шу каби она заминимиз минерал сувларга ҳам бойдир. Илгари кўпчилигимиз қадамимиз остида бўлган санаторий-профилакторийларга унча

лик ходимлари ўз соғлиқларини мустаҳкамлайдилар.

— Дам олиб даволанувчилар учун, — деб ҳикоя қилади санаторийнинг бош врачлари Ориф Эшонқулов, — физиотерапия, массаж, парафин, сув билан даволаш кабинетлари хизмат қилади. Мижозларнинг яхши дам олиб ҳордиқ чиқаришлари, даволанишлари учун имкон қадар ҳаракат қиларишимиз. Уч маҳал иссиқ овқат,

лари касабани уюшмаси вилоят кўмитаси билан шартнома туздик. Шартномага кўра биз тармоқ касабани уюшмаси кўмитасига 1993 йил учун 1250 дона йўлланма ажратганмиз. Йўлланманинг нархи 11 минг 400 сўм. Касаба уюшмаси йилнинг ҳар бир чорағида умумий маблағнинг бир қисмини бизнинг ҳисобимизга ўтказиб туради. Биз эса касабани уюшмаси аъзоларининг яхши даволанишларини таъминлаймиз. Вилоят кўмитаси билан тўғридан-тўғри тузилган бу шартнома бизнинг бемалол иш юритишимизга имкон беради.

Дам олувчилар билан ҳам суҳбатлашдик. Бел, оёқ оғриғи билан келган кишилар бу ердан тез шифо топишаётганлигини таъкидлашди. Шу билан бирга санаторийга қувур орқали ичимлик суви келтирилса мақсадга мувофиқ бўлишини айтишди. Маматқул Мардонов, Комила Жабборова, Мухайё Рўзиева, Дилором Раҳмонова, Мунаввар Раҳматова каби шифокорларнинг хизматидан миннатдор эканликларини билдиришди.

Санаторийни кенгайтириш, янги биналар қурилиши режалаштирилмапти. Санаторий ҳудудида 1,5 минг метр чуқурликда олтин-гугуртли-водородли шифобахш сув борлиги ҳам аниқланди. Унинг таркибида таъна аъзолари, тери касалликларига жуда яхши таъсир қилувчи элементлар мавжуд. Юқорида айтилганлар амалга ошириш шифо маскани кенгайтирилса қишлоқ меҳнатқашларининг соғлиғини ҳимоя қилиш учун келгусида катта имкониятлар яратилади.

М. КЕНГБОВ,
«Ишонч» муҳбири.



— Ҳозир анча яхшисиз, синглим. Дам олиб, даволанганингиз шундоқкина сезилиб турибди, — дейди Қибрай районидаги «Ботаника» санаторийси шифокори Гулсара Ақобирова.

Бу ерда бир йўла 616 кишининг дам олиб даволаниши учун барча шарт-шароит яратилган. Гарчи йўлланмалар қиммат бўлса-да, соғлиқ-туман бойлик эканини унутиб бўладими?!

Н. МУҲАММАДЖОНОВ
олган сурат.

«БЕШКЕНТ» ШИФО МАСКАНИ

этибор бермасдик. Ҳолбуки, уларда даволаниб, миннатдор бўлиб кетаётганлар жуда кўпчилик. Биз «Бешкент» санаторийсида бўлиб, бу ердаги шароит билан яқиндан танишганимиздан сўнг бунга ишонч ҳосил қилдик. Санаторийда асосан бўғин оғриқлари, периферик-асаб системаси, невростипея, умуртқа поғонаси касалликлари билан оғриган беморлар даволанишади. Санаторий 1985 йилда Қарши районидаги «Аврора» давлат хўжалиги ихтиёрида ташкил этилган бўлиб, ҳозир «Узколхозсоздраница» бирлашмасига қарайди. Шифо масканида республикамизнинг турли вилоятларидан келган қишлоқ хўжа-

бир марта кечки чой берилади. Асосан миллий овқатларни тайёрлаймиз. Санаторийнинг ёрдамчи хўжалиги ҳам ташкил қилинган. Бусиз ишимиз юришмайди, албатта. Мева-сабзавотлар ёрдамчи хўжалиқдан чиқади. Шунингдек, «Ленин йўли» хўжалигидан 9 гектар ер олганмиз. Бу жойда санаторийнинг ёрдамчи хўжалиги чорва моллари учун ем-хашак ва сабзавот маҳсулотлари етиштирилади.

— Ориф ака, ҳозирги шароитда иш юритиш, кўпчилиكنинг кўнглини ола билиш жуда қийин. Қийналиб қолмаяпсизларми?

— Хўжалик ҳисобига ўтганмиз. Яқинда агросаноат мажмуи ходим-



Узини маданиятли, ақли расо санаган ҳар кимса эл-улус маданияти, санъати, удумларини эъзозлайди, жондан севади. Биз бугун йўқотган қадриятларимизни қайта топаётган халқимиз. Улкан тарихимиз, қадимий тадбирлар, миллий байрамларимиз, урф-одатларимиз, энг муҳими она тилимизни қайта тиклаётган авлодмиз. Ана шу анъаналар равнақи йўлида хизмат қилиш, Она Ватанни ардоқлаш, уни муттасил обод қилиш, эл-юрт осойишталигини асрашдай муқаддас бурчимизни адо этишдай вазифалар ҳам ота-боболаримиздан меросдир. Уни кўз қорачиғидай асраймиз. Бобоколониимиз Амир Темури ҳам, унинг набираю абиралари ҳам Туркистон юртида Самарқанддай баркамол, Бухорои Шарифдай кўркам, Шаҳрисабз, Хива сингари маданий жавоҳирларни келгуси авлодлар учун мерос қол-

дирганлар. Илминг, ҳунаринг, маданиятингни йилдан-йилга бойитиб, ривож топдиришни билсанггина бу анъанага муносибсан. Уни давом эттириш, турмушни фаровон, юртни осойишта тутишга қодирсан. Бу тўғрида муқаддас китоблардан тортиб, Мирзо Улуғбек, Аҳмад Яссавий ва минглаб истеъдодли арбобларгача, буюк шоирлар Алишер Навоийдан тортиб, Мирза Бобури номи тилдан тушмайдиган адибу олим — уламоларгача халққа садоқат билан хизмат қилишни уқтирганлар, таъриф-таъсиф этганлар. Ана шу маданият, маърифат, санъат, адабиётни асраш, гуллаб-яшнати билан асрларга етказиш учун бутун умрини бахшида қилиш борасида мактаб яратган табаррук кишиларимизни хотирлаш, доимо эслаш, уларнинг таълим-таълимотидан бетиним баҳраманд бўлиш бугунги авлод учун буюк саодатдир.

«АЁҚ ЕТГУНЧА КЕТГАЙМАН...»



БУЮК бобомизнинг табаррук изидан Хиндистонга бир неча бор археографик илмий изланишларга сафар қилган таниқли олима, филология фанлари доктори Фозила Сулаймонова билан бўлган ўзаро бир мулоқотда Хайрободаги Сандия кутубхонасининг раҳбари, профессор Юсуфиддин шундай таъриф берган эди:

«Сизнинг буюк бобонгиз жаннатмакон. Бизга таомлар пишириш, либослар кийиш, умуман маданий ҳаёт кечиришни ўргатди. Фарғонадан деҳқонлар, боғбонлар келтириб, боғроғлар яратди, полиз экинлари билан бизни таништирди. Хиндистонликларнинг ўзаро низолари, феодал урушларини бартараф этувчи марказлашган давлат тузишга асос солган Бобурга хурматлари катта. Хатто, «тил теккизгулик бўлмасин», деб отини айтиш ўрнига «Жаннатмакон» деганларини кўп одамлардан эшитдим», дея ифтихор туйғуси билан хотирлайди у.

Бобур 47 йил мобайнида «Мубаййин», «Рисолаи волидия» (таржима) номли шеърӣ асар яратиб, «Хатти Бобурий» алифбосини тузиб, аруз, қофия, мусика ва ҳарбий санъатга оид рисолалар ёзиш билан илм-фанга сезиларли ҳисса қўшди. Унинг шеърӣати эса газал, рубоӣӣ, китъа, туюк, маснавий, фард ва муаммолардан иборат.

Шубҳасиз, бу шеърӣят марказида ишк-мухаббат мавзӯи етакчилик қилади. Ер жамолига етмоқлик йўлидаги кийинчиликлар эса унга писанд эмас:

**Жамолинг васфини, эй ой, неча элдин эшитгайман,
Не кун бўлғай висолингга мени дилхаста етгаймен.
...Муяссар бўлмаса бошимни кўймоқлик аёғига,
Бошимни олиб, эй Бобур, аёқ етганча кетгаймен.**

Айни пайтда Бобур шеърӣятда инсон кадр-кимматини баланд тутиш, ҳижрондан шикоят қилиш, таълим-тарбия, Она Ватанга мухаббат ва уни кўмсаш, инсонпарварлик, дўстлик каби гоялар алоҳида эҳтирос билан куйланади:

**Муяссар ўлса агар ёр васли гурбатга,
Ватани не қилаю ўз дийёр нега керак.
Юборди ёр манга, ёдгор деб хатини Шунингдек, тарихчи-шарқшунос сифатида узоқ йиллардан буён Бобурийлар устида кўплаб**

манбаларни изчиллик билан ўрганаётган Ўзбекистон халқ ёзувчиси Пуримул Қодиров «Юлдузли тунлар» ва «Авлодлар девони» номли романларида Бобурнинг шох ва шоир сифатида ниҳоятда мураккаб ҳаёт кечирганлигини, авлодлари Бобур сулоласининг давомчилари бўлганликларини ҳаққоний тасвирлаб берган.

Бу олам аро ажаб аламлар кўрдим,
Олам элидин турфа ситамлар кўрдим.
Хар ким бу «Вақойиъ»ни ўқур билгайким
Не ранжу не меҳнату не ғамлар кўрдим.

«Бобурнома» Фарғона, Қобул, Хиндистон бўлимларидан иборат бўлиб, бу «Вақойиъ»да жанговор юришлар, Ўрта Осиё, Афғонистон, Хиндистон табиати, хайвонот дунёси, турли халқларнинг турмуш манзаралари ёрқин акс эттирилган. Шунингдек, асарда феодал даври зодагонларининг ҳаёт тарзи, ўша даврнинг урф-одатлари ва таомиллари ҳаққоний акс эттирилади.

Америкалик олимлардан Вильямс Эрснин, Стени Лейнпул, Рашбрук Вильямс Бобур ижодини тадқиқ этганлар. Таниқли хинд олими Муни Лаъл олди китобдан иборат: «Бобур», «Акбар», «Жаҳонгир», «Шох Жаҳон», «Аврагзеб», «Сўнгги мўғуллар» номли китобларини нашр эттирган. Жаҳон олимлари бу асарни Ньютоннинг «Эсдаликлар»и ва Жан Жак Руссонинг «Икром»и билан бир қаторга қўядилар.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, бундай хайрли ва заҳматли ишларда ўзбек ижодкорларининг ҳам салмоқли ҳиссалари бор. Чунончи, «Бобурнома»нинг ЮНЕСКО чоп этган нашрига Халқаро мукофот соҳибаси Сабоҳат Азимжонова билан бирга хинд, афғон академиклари ҳам сўз боши ёзганлар.

Адабиётимизнинг фидойиси профессор Хамид Сулаймонов 1968 йили асарга ишланган 94 мўъжаз расмларнинг рангли тасвирларини Англиядан олиб келган. 1970 йили эса «Бобурнома» расмлари альбомини уч тилда чоп эттирган. Бунга Акбар даврида Ўрта Осиё, Хуросон ва Хиндистон қилкалам соҳиблари томонидан яратилган мўъжаз санъат асарлари таянч нусха ҳисобланади.

Шунингдек, тарихчи-шарқшунос сифатида узоқ йиллардан буён Бобурийлар устида кўплаб

манбаларни изчиллик билан ўрганаётган Ўзбекистон халқ ёзувчиси Пуримул Қодиров «Юлдузли тунлар» ва «Авлодлар девони» номли романларида Бобурнинг шох ва шоир сифатида ниҳоятда мураккаб ҳаёт кечирганлигини, авлодлари Бобур сулоласининг давомчилари бўлганликларини ҳаққоний тасвирлаб берган.

Ёзувчи — Бобурнинг бошқа мамлакатлар билан қўшничилик муносабатлари ҳақида бир ўринда кизиқарли далилларни келтиради. Яъни, 1530 йили Бобур Хиндистондан Москвага Хўжа Хусайин деган ишончи кишини элчи қилиб юборганлигини, Россия билан дўстлик, биродарлик алоқаларини ўрнатишни тақлиф этганлигини таърифлаб берган.

Бу воқеа рус тарихчиси Карамзиннинг «Россия давлати тарихи» китобида ҳам қайд этилган. Рус ёзувчиси И. С. Тургенев ҳам «Пунин ва Бобури» китобида Бобурни алоҳида хурмат билан каламга олган. Кейинги даврда олима Г. Ф. Благованинг гувоҳлик беришича Бобур элчиси Москва яқинидаги Муромда бир неча йил яшаган. Шу сабабли у ерларда «Бобурнома», «Бабури хутор» деган жойлар пайдо бўлган.

Яна бир масала устида икки оғиз сўз: Бобур ва унинг авлодлари Афғонистон, Хиндистон ва бошқа жойларда кўплаб маданий-меъморӣ ёдгорликлар бунёд этганлар. Ариқлар қазиб, боғлар барпо этилган. Шулардан бири Бобурнинг ўзи бунёд эттирган «Боғи Нурафшон», иккинчиси Шох Жаҳон қурдирган «Тожимахал»дир.

Шу ўринда Хиндистоннинг йирик ва машҳур давлат арбоби Жавоҳарлал Нерунинг куйидаги сўзларини эслаш ҳам аҳамиятлидир: «Бобур дилбар шахс, уйғониш даврининг типик ҳукмдори, мард ва тадбиркор одам бўлган, у санъатни, адабиётни севарди, ҳаётдан ҳузур қилишни яхши кўрарди».

Бобурдан ақли расо 7 фарзанд қолган. Муҳаммад Хумоюн, Комрон Мирзо, Мирзо Аскарӣӣ, Мирзо Хиндол, Гулрангбегим, Гулчеҳрабегим, Гулбаданбегим. Энг муҳими, ундан яхши ном қолди. Халқимизнинг миллий гурурини бутун оламга ёйганлиги билан ҳам у катта эъзоз ва эҳтиромга лойиқ инсон.

Баҳодир ВАЛИЕВ.

ОЛАМ АҲЛИ БИЛИНГИЗКИ...

ЎЗБЕК халқининг миллий гурурини бутун оламга ёйган мўътабар жарчимиз Низомиддин Мир Алишер Навоӣӣ 1441 йил 9 февраль куни Хиротда тугилган.

Алишер Навоӣӣ улуғ шоир, адиб, олим, йирик давлат арбоби ва таржимон ҳамдир. У ўзининг 60 йиллик умри давомида халқимизга жуда катта адабиёт мероси қолдирди.

Алишер Навоӣӣ ўзбек адабий тили ва адабиётининг асосчиларидан бири. Шоир каламга мансуб ва унж бутун дунёга машҳур қилган шох асари «Хамса»дир. Асар 51.230 мисрадан иборат бўлиб, куйидаги дostonларни ўз ичига олган: «Хайрат — ул-аброр» (Яхши кишиларнинг хайратланиши), «Фарҳод ва Ширин», «Лайли ва Мажнун», «Сабъан сайёр» ва «Садди Искандарӣӣ». Бу дostonларда шоир халқпарварлик, инсонпарварлик гояларини юксак пардаларда тараннум этган.

Алишер Навоӣӣнинг ўзбек тилидаги шеърлари 45 минг мисрадан иборат бўлиб, у нафис шеърӣятимиздаги деярлик барча жанрларда баракали калам тебратган. Шоир табиатнинг энг олий маҳсули бўлган Ҳазрати Инсонни васф этади. Айни пайтда, шоир адабий меросининг асосий мавзӯсини ишқий газаллар ташкил қилган.

**Қаро кўзим кел, эй мардумлиғ, энди фан қилғил,
Кўзим қаросида мардум киби ватан қилғил.**
Шунингдек, шоир газалларидан халқпарварлик, ахлоқ ва одоб, инсоф ва диёнат, дўстлик, биродарлик ва аҳиллик жушқин таъриф этилади:

**Олам аҳли билинғизки, иш эмас душманлиғ,
Ёр ўлунг бир-биринғизгаки, эрур ёрлиғ иш.**
Алишер Навоӣӣ бир умр инсон дардини чекиб, унга ҳамдард бўлиб янади. У буюк инсоний фазилатларни каламга олди. Улуғ шоиримизнинг келажак авлодлари а мерос қилиб қолдирган тийран ҳаётӣӣй қулатишлари ва самимӣӣй пок туйғулари ҳозирги кунимизда ҳам ибратлидир. Бу ҳикматлар ҳазинаси ҳали кўп вақт инсонларга беминнат хизмат қилгусидир. Улуғ аллома ва мутафаккир ҳаётда ўзига яхши ном қолдирган сиймодир:

**Бу гулшан ичраки йўқдур бако гулига сабот,
Ажаб саодат эрур яхшилиқ бирла чикса от.**
Халқимизнинг улуғ фарзанди 1501 йил 3 январь куни вафот этган.



ФУТБОЛНИ КИМ ҚАНДАЙ ТУШУНАДИ?

БУНДАН ҲЕЧ КИМ ОШИРОЛМАЙДИ

ОЙБЕК домла «Улуғ йўл» романини ёзиб бўлиб, навбатдаги Бухоро ҳақида ёзилажак асарига материал тўплаб юрган чоғлари. Анча чарчаб, асаблари бўшашиб қолибди. Шунда Зарифа опамиз домлани машаққатли ишлардан чалғитиш, бироз дам бериш чорасини қидира бошлабди. Уйлай-уйлай шундай қарорга келибди: домлани стадионга футбол томошасига олиб бориш керак!

Эсингизда бўлса, олтмишинчи йиллари футболимизнинг обрўси жуда баланд эди. Стадионга одам сизмай кетарди. Хуллас, опа домлани бир



УЧ ЮЗ САКСОНТА ЧИРОҚ

1965 йил эди. «Шарқ юлдузи» ойномасида ишлардик. Асқад ака муҳаррир. У кишининг қизиқ одатлари бор эди: ўзини катта олмас, биз нима иш қилсак худди ёш болалардай қўшилишиб кулаверар эди. Ош қиладиган бўлиб қолсак, ҳаммадан кўпроқ улушни Асқад ака тўларди. Мен муҳаррирман-у мана булар ходим, деб ўзини баланд олганини билмайман. Аммо, ойнома ишларида ўта талабчан муҳаррир эди.

Хуллас, бир куни Ҳайдар ака Ниёзов билан тил бириктириб, Асқад акани ҳам стадионга — футболга олиб бордик. У киши ялтирмади. «Тушсак тушаверамизда» деб келаверди. Жойимиз стадионнинг соя томонида. Асқад ака ўртамазда ўтирибди. Уйин бошланди. Ҳаяжонлар жунбушга келди. Бақир-чақирлар, қийқириқлар, ҳуштакбозликлар авжида. Аммо Асқад ака икки кафтини жағига таяганича миқ этмай ўтирар эди.

Уйин тугади. Оғзимиз кулоғимизда. Биз ютдик. Ҳисоб: 2:0.

Стадиондан чиққанимизда Ҳайдар ака Асқад акадан сўраб қолди:

— Қалай?

— Жуда зўр, — деди Асқад ака хотиржам. — Буни қаранг-а! Стадион

атрофида уч юз саксонта чироғи бор экан...

Ялт этиб Ҳайдар ака менга қаради, мен Ҳайдар акага. Футболни жиндек ҳурмат қиладиган шинаванда учун бундан ортиқ ҳақорат бўлмаса керак-ов! Бутун ўйин бўйи акам чироқ санаб ўтирган эканлар.

